Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 25 (10.274).

1992 йил 5 февраль чоршанба

Баҳоси 60 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Янгийўл хабарлари

ИЖАРАЧИ

● Н. НИЁЗОВ номли жамоа хўжалигининг собиқ бригада бошлиғи Толиб Тожибоев ўтган йили 5,5 гектар ерни ижарага олиб деҳқончилик қилди. Кузда ҳар гектардан 47,3 центнердан пахта ҳосили олиб, энг юқори кўрсаткичга эришди. Йиллик режа 165 фоизга уддаланди. Унинг йиллик даромади ҳам чакки бўлмади. Нақд 65 минг сўм даромад қилди.

Ижара усулида иш юритишнинг фойдали томонлари кўплигини Мўмин Нурматов бошлиқ оилавий пудратчилар ҳам исботлашди. Уларнинг ҳам йиллик даромадлари 60 минг сўмни ташкил этди.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК БИЛАН

● ТЕХНИКАСИ сознинг экиш мавсумида ташвиши оз бўлади. Ана шу мулоҳаза асосида иш юритаётган Ҳ. Турсунқулов номли жамоа хўжалиги созловчилари мавжуд техника воситаларини таъмирлаш ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Улар шу кунларгача 15 та сеялка, 330 та барона, 19 та чизель ва 14 та чопиқ тракторини таъмирдан чиқардилар. Бу ишларда, айниқса, Х. Олимжонов, Ф. Назиров, Т. Довулбоев, Қ. Фозилов сингари созловчилар кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар.

МУКОФОТГА МАШИНА

● «ТИНЧЛИК» (олдинги «Коммунизм») жамоа хўжалигида ҳалол ва фидокорона меҳнати билан эл ҳурматига сазовор бўлаётган кишилар кўплаб топилади. Механизатор — звено бошлиғи Раҳмат Аҳмедов ҳам ана шундайлардан биридир. Унинг звеноси ҳар йили давлатга пахта сотиш йиллик режаларини ошириб бажариб келмоқда.

Ўтган йилги йиғим-терим мавсуми ҳам звено учун баракали келди. Улар 55 гектарда пахта етиштириб ҳосилдорликни режадаги 25,6 ўрнига 30,6 центнерга етказишди. Звено бошлиғи Р. Аҳмедовнинг ўзи етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини машинасида териб олди.

Хўжалик бошқаруви ва касаба уюшмаси қўмитаси йил якунини кўриб чиқиб механик-ҳайдовчи Р. Аҳмедовни ғолиб деб топди. Унга меҳнатдаги фидойилиги учун битта енгил автомашина ажратишга қарор қилинди.

САРА УРУҒ — ҲОСИЛ БЎЛИҚ

● Ф. НОСИРОВ номли пахта тозалаш заводи жамоаси ноҳия хўжаликларини сара уруғлик билан таъминлашга бел боғлашган. Улар кўкламгачa 550 тонна уруғлик чигит тайёрлашни ўз зиммаларига олишган. Бу йил ноҳиядаги кўпчилик хўжаликларда саноатбоп С-64-24 навининг иккинчи ва учинчи репродукцияли уруғи экиш кўзда тутилмоқда. Уруғчилар айни кунларда саралаш ва дорилаш ишларини олиб боришмоқда.

ТАЖРИБАЛИ ЧЎПОН

● ҲАМЗА Кўпяшаров анча йиллардан буён чўпонлик касбини улуғлаб келмоқда. У Ленин номли (ҳозирги «Ниёзбош») жамоа хўжалигида меҳнат қилади. Ўтган йили тажрибали чўпон ҳар юз бош совлиқдан режадаги 92 ўрнига 104 бошдан соғлом қўзи олишга эришди. Айни кунларда у қўйларни қишдан беталофат олиб чиқиш учун барча чоратадбирлар асосида иш юритмоқда.

Ҳ. МИРЗАЕВ.

ЕТИМЛАР КЎНГЛИ ЎКСИМАЙДИ

Ҳозирги иқтисодий танглик ҳолатида етимхоналарда тарбияланаётган болаларни ижтимоий ҳимоялаш қанчалик катта аҳамият касб этишини тасаввур қилиш қийин эмас. «Ташгосснаб» савдо ташкилотига қарашли 8-улгуржи чакана савдо магазини мудири Анатолий Иванович Толстов, унинг муовини Шуҳрат Абдуқодировлар бу мушкулликни ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Нарх-наво ошган шу кунларда ҳам улар Тошкентнинг «Марказ-5» мавзесида жойлашган 29-болалар уйи тарбияланувчиларига ҳар бири 24 тийиндан бўрсилдоқ тандир нонлар етказиб бермоқдалар.

Ўтган йили фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш цехида нондан ташқари қандолат маҳсулотлари ҳам тайёрланаётир. Хусусан, бошқа магазинларда килограмми 40 сўм бўлган печенье бу ерда 28 сўмдан тайёрланмоқда.

— Мазаси эса қандолат фабрикаларида пиширилганларидан тотли, — дейди Анатолий Иванович,— биз болалар уйига гўштни ҳам маълум даражада арзон нархда килограмми 28 сўм 10 тийиндан етказиб беряпмиз. Аслини олганда болалар уйи учун маҳсулот шу нархдан тушмайди. Чунки Киров район халқ таълими бўлими ажратган товон пули уни янада камайтиради.

Болалар уйидагилар озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаётган бу ғамхўр кишилардан миннатдор.

С. ҲАСАНОВ.



● ҲАР КАСБГА меҳр керак. Тўйтепадаги 74-автокорхонанинг ёш ҳайдовчиси Исамуҳаммад Бўронбоев ўз ишига ихлос қўйган йигитлардан биридир. У ҳайдовчилик касбида оз муддат ишлашига қарамай жамоанинг ҳурматини қозонди.

Суратда: И. Бўронбоев.

Суратқаш М. МАҲМУДОВ.

Техникавий ижодкорлик — давр талаби

ИЗЛАГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

БУ КОМПЛЕКСДА тузилиши жиҳатидан жуда мураккаб, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда. Шуларнинг бири центрифуг агрегатидир. Унда сульфат аммонийга ишлов берилади. Унинг битта «нозик» томони бор. Ишлаш натижасида подшипниги таянчи ва бошқа шу каби қисмларнинг оралиғи муайян даражада кенгаяди. У арзимаган миқдорда бўлса ҳам мойнинг оқишига олиб келади. Бунинг олди олинмаса мой кўплаб исроф бўлиши мумкин. У эса анча қиммат туради.

Қисқаси, центрофуга итаргичини тўхтатишга, ишқаланиб ейилган деталларни алмаштиришга мажбур бўлинади. Бундай деталлар эса йўқ, уларни ҳориждан келтириш керак, чунки агрегатнинг ўзи ҳам ўзимизники эмас, Италия келтириб ўрнатган. Шундай бўлгач, уларни харид қилиш учун валюта керак. Ҳозирги иқтисодий инқирозлик даврида бунинг ўзи бўлмайди. Аввало валюта топиш жуда мушкул иш. Агрегатни эса узоқ вақт тўхтатиб қўйиш ҳам мумкин эмас. Технология жараёнининг муҳим занжири у. Битта занжирнинг ишламаслиги бутун жараёнлар мажмуига путур етказади.

Илгарилари деталларни амал-тақал қилиб чет эл-дан келтирилиши жонга оро бўларди. У даврлар ўтиб кетди. Демак, шу ерда, бевосита корхонанинг ўзида тайёрлаш керак эди. Бунинг учун изланишга тўғри келди. Ниҳоят деталларни ишлаб чиқариш имкони йўқлиги аён бўлгач, бошқа йўлга ўтилди.

Емирилган деталларнинг ўзини қайта тиклашнинг иложи йўқмикан? Бунинг учун детал ясалган металлнинг таркиби ўрганилди. Ниҳоят, бир тўхтамга келинди. Жумладан, подшипник таянчини баббит металлини эритиб ёпиштириш билан тиклаш усули топилди. Шундай усул билан тикланган деталнинг янгиларидан фарқи бўлмади, бемалол фойдаланилди, мой оқиши ҳам тўхтади. Бу муаммони ҳал қилган техника ижодкорлари агрегатларнинг бошқа қисмларининг устига ҳам қатлам ёпиштириш усулини қўллана бошладилар. Валларнинг ейилган қисмлари устига аргон қоплаб, уни силлиқлашни жорий қилдилар.

Деталларни бундай нисбатан осон ва анча арзон усулда тиклашни йўлга қўйиш қатор муаммоларни ортиқча ҳаражатларсиз ҳал қилиш имконини берди. Едирилиб эскирган қатор деталларни олдиндан тиклаб, тахт қилиб қўйиш мумкин бўлмоқда. Натижада ишдан чиққанлари тез алмаштирилянти. Бу билан биринчидан вақтдан ютилянти, иккинчидан эса катта иқтисодий самара кўриляпти. Энг муҳими, бундай деталларни валютага чет эллардан сотиб олишга ҳожат қолмади. Шу таклиф туфайли кўриладиган фойда ҳар йили 92 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этади. Бу қимматли усул ижодкорлари бўлган бир гуруҳ ишчилару муҳандислар анчагина миқдорда моддий рағбатлантирилдилар. Уларга мингдаб сўм пул тўланди.

Ўтган йили Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг рационализаторлари ва ихтирочилари ишлаб чиқаришни, мавжуд асбоб-ускуналар ва агрегатларни такомиллаштириш, иш шароитларини яхшилаш, техника хавфсизлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа йўналишларда анча самарали изланиш олиб бордилар. Бунинг натижасида юзларча минг сўмлик жамоа маблағи тежаб қолинадиган бўлди.

Йил давомида тушган техникавий ижодкорлик таклифларининг ҳаммасини санаб ўтиш, уларнинг моҳиятини кўрсатиш мушкул муаммо, албатта. Шуни айтиш керакки, умуман тушган таклифлар сони юзтадан ҳам ошиб кетди. Уларнинг аксарияти жорий қилинди. Янгилик ихлосмандларининг амалга оширган барча техникавий тадбирлари ишлаб чиқаришнинг у ёки бу қолоқ участкаларини такомиллаштирганлиги билан диққатга сазовордир.

Қимматли таклифларнинг яна бири — азот кислотасини бойитадиган колоннага технологик ҳавони узатиш схемасини ўзгартириш билан боғлиқ. Бу янгилик туфайли азот кислотаси бўғинининг технологик ҳавога қўшилиб чиқиб кетиши анча камайди. Натижада колоннанинг унумдорлиги ортди. Ҳар йили кўриладиган фойда эса деярли 35 минг сўм атрофида бўлади. Унинг муаллифлари ҳам муносиб моддий рағбатлантирилди.

Мой насосларини тиклашга қаратилган рационализаторлик таклифи ҳам ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради. Унинг айрим қисмлари ва узеллари ишдан чиқиши билан бутун насоснинг ўзидан ҳам фойдаланиш тўхтатиларди. Бу анча қиммат туради ва фақат чет элдан келтирилиши мумкин. Мосламанинг асосий ва тез яроқсиз ҳолга келадиган валлари диаметрини металл кукунини пуркаш йўли билан 0,1 миллиметргача йўғонлаштириш ҳақидаги таклиф жуда қўл келди.

Бирлашмада темир йўл цистерналари кўп фойдаланилади. Уларда корхонага хом ашё келтирилади, айни вақтда суюқ ўғит ва бошқа шу каби суюқ маҳсулотлар буюртмачиларга юборилади. Ҳар гал бу цистерналар, албатта, назоратдан ўтказилади. Ҳамма қисмлари текширилади. Худо кўрсатмасин, у ер бу ерида кемтиклари, жўмраклари носоз бўлса, уни вақтида пайқаб тузатмаслик хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Цистерна ичини турли қуйқумлардан тозалаш жуда мушкул юмуш. Шу вақтгача у қўл кучи ёрдамида бажариларди. Айниқса, сақлаш клапанларини текшириш машаққатли эди. Ҳар сменада бу ишга жалб қилинадиган беш нафар ишчи, чилангар ўртача бутун иш давомида фақат сақлаш клапанларининг тўрт-тасиннигина тозалаб, ишга соз ҳолга келтира олар эди.

Рационализаторлар бу мураккаб ишни бажарувчи ва табиийки, меҳнат унумдорлигини оширувчи таклиф билан чиқишди. Улар махсус дастгоҳ яратдилар. У барча ишларни механизациялашни таъминлади. Уни жорий этиш натижасида аввало ишлаб чиқариш эстетикаси ошди, меҳнат унумдорлиги ортди. Энг муҳими, ишчилар зерикарли ва оғир юмушдан халос бўлдилар. Биргина шу дастгоҳ билан ҳар сменада олтита сақлаш клапанларини созлаш мумкин бўляпти. Дастгоҳ айтарли қўшимча ҳаражатларни талаб этмаслиги, ишда хавфсиз ва осон бошқарилиши билан ҳам ажралиб туради.

Таъмирлаш-механика цехида юмалоқ арра тишларн ва фрезаларни очиш учун махсус дастгоҳлар керак, улар эса корхонада йўқ эди. Бундай анжомлар ҳамма вақт керак бўлмаса ҳам тайёрланиб турини керак. Рационализаторлар бунинг ҳам йўлини топишди. Мавжуд ЗД64 дастгоҳига мосламалар ўрнатишди, ўқи бор ромга ўхшаш бу мосламага фреза, яъни тиш очгич мустаҳкамлаб ўрнатилади. Бу усул яхши натижа берди.

Бундай мисолларни бирлашманинг барча ишлаб чиқариш бўлинмаларидан ҳам келтириш мумкин. Лекин оммавийлик, бу олижаноб мақсадли ҳаракатга ишчи-хизматчилар ва муҳандисларни жалб қилиш бўйича ташкилий ишларнинг бироз сусайганлиги сезилмоқда. Янгилик ихлосмандлари сафи, рационализаторлик таклифлари ва ихтироларнинг тушиши, у бераётган самара кўпаймаянти. Бу соҳада ажойиб бошқа жамоалар ҳавас қиладиган анъаналарга эга бўлган мўъжизакор кимёгарлар техникавий ижодкорликни ҳар томонлама кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга соладилар, деб ишонч билдиргинг келади.

М. МИРҲАМИДОВ.

ЛАВҲА

ОТА КАСБИНИ УЛУҒЛАБ

1970 ЙИЛНИНГ тароватли ёзи. Тошмат ака узум сўриси тагидаги супада чой ичиб ўтирарди. Шу пайт кўча эшикдан ўғли Собит кириб келди. Ўғлини хурсанд кайфиятда кўрган Тошмат ака деди:

— Ҳа, ўғлим, бугун жуда хурсандсан.

— Э-э, ота, севинмай бўладими, бугун муаллимимиз мактабни тугатганлигимиз тўғрисидаги етуклик гувоҳномасини берди — дея Собит ҳужжатини отасига узатди.

Тошмат ака икки энлик етуклик гувоҳномасидаги «4» ва «5» баҳоларни кўриб ич-ичидан қувонди. Табассум ила ўғлига юэланди.

— Менинг болалик йилларим Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келди. Бирон бир каттароқ ўқишга кириб ўқий олмадим. Болалигимдан далага чиқиб ишладим. Энди сен ўқигин, — деб насиҳат қилди.

— Ота, дўстларимнинг барчаси шаҳардаги катта билим юртларига кириб ўқимоқчи. Аммо мен...

Собит шундай деди-ю, жимиб қолди.

— Ҳа, ўғлим, сен-чи, нима, ўқишга бормайсанми?

— Йўқ.

— Нега?

— Сизга ўхшаб тракторчи бўлмоқчиман.

— Қарорнг қатъийми?

— Ҳа.

— Лекин тракторчи бўлиш учун ҳам ўқиш керак, сен буни биласанми?

— Биламан.

Собитнинг қатъий қарорга келганлигини кўрган Тошмат ака унинг раъйини қайтармади. Ўғлининг тракторчилик касбини эгаллашига розилик берди.

Ота розилигини олган Собит Назаров кўп вақт ўтмай Янгибозордаги «Райсельхозтехника» бирлашмаси қошида очилган тўрт ойлик курсга йўл олди. Тракторни бошқариш, созлаш сирларини қунт билан ўрганди.

Механизаторлик курсини муваффақиятли якунлагач, Собит қадрдон қишлоғига қайтди. Отаси ёнига кириб жамоа хўжалигининг Кавардон қишлоғи далаларида меҳнат қила бошлади. Билмаганларини отасидан сўраб ўрганди...

Йиллар кетидан йиллар ўтди. У ўзининг ҳалол меҳнати билан кўпчиликка танилди. Мана, Собит ака Назаровнинг механизаторлик қилиб келаётганига ҳам роппа-роса йигирма йил бўлибди. С. Назаровни эрта баҳорда тупроққа барака уруғи қадаётганда учратсангиз, кейинчалик ғўза қатор ораларига ишлов бераётган, кузга бориб эса «зангори кема» бошқариб пахта тераётган пайтда кўрасиз.

Собит Назаровнинг ўзи бир пайтлар шогирд эди. Эндиликда эса унинг ўзи кўплаб ёшларга устозлик қилмоқда.

Ўзининг меҳнат фаолияти давомида Собит ака бир неча бор механизаторлар ўртасида ташкил этилган беллашувларда ғолиб чиқиб, ноҳия ва жамоа хўжалигининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

1990 йилда Кавардон қишлоғидаги механизаторлар ўртасида ташкил этилган мусобақада ғолиб чиқиб, муносиб тақдирланди.

У меҳнат қилаётган 22-бригада ўтган хўжалик йилида 62 гектар майдонда пахта, 59 гектар майдонда «Югослав» навли уруғлик маккажўхори, 13 гектар майдонда каноп, икки гектарда эса помидор етиштиришди. Маккажўхоридан олинган ҳосил айниқса, юқори бўлди. Йиллик режа 168,8 фоизга адо этилди.

Айни кунларда бригада деҳқонлари кўкламги экиштикиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бригадага қарашли техника ва механизмларни сифатли қилиб созлаш ва тайёргарлик чизигига келтириб қўйиш ишлари поёнига етказилянти. Бу борада тажрибали механизатор Собит ака Назаров барчага ўрнак, ёшларга бош-қош бўлмоқда. У ўзига бириктилган техника ва механизмларни баҳорги экиш мавсумига тайёрлашда бор маҳоратини ишга солмоқда.

ЛАТИФЖОН МАНСУРОВ.

Муҳарририятга мактублар

БИЗГА КИМ ҚУЛОҚ СОЛАДИ?

ҲУРМАТЛИ муҳарририят! Ушбу мактубни биз узоқ мулоҳазалардан кейин ёзишга мажбур бўлдик. Гап шундаки, Қибрай районидаги «Наврўз» давлат хўжалигининг учинчи бўлимида бугунги кунда 400 дан ортиқ хонадон истиқомат қилади. Шахсий уй-жой қурувчилар ҳисобига аҳоли сони янада кўпайиб бормоқда. Булар яхши, албатта.

Лекин шу ҳудуддаги кишилар учун шунга яраша ижтимоий шароит ҳам яратиш керак-ку! Қолаверса, бу ердаги аҳолининг асосий қисми шу хўжаликда ишлаб, деҳқончилик қилишади. Минг афсуски, хўжаликнинг учинчи бўлимида кейинги 30—40 йил ичида на биронта мактаб, на болалар боғчаси, на бирон бир маиший хизмат кўрсатадиган муассаса қурилди. Бу ҳам майли, ҳудудимизга ҳаёт учун зарур бўлган ичимлик суви, табиий газ келтирилмаганлигига нима дейсиз? Бизни сўнгги йилларда булар жуда ташвишга солмоқда. Фарзандларимиз, мактабга тўрт-беш чақирим йўл босиб боришга мажбур бўлмоқдалар. Болалар боғчаси тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Йўлларимизнинг аҳволи ҳам яхши эмас. Биз бир неча марта ҳеч бўлмаса, уларни ёритиб қўйишни сўраб мурожаат қилдик. Афсуски, натижа бўлмади. Энди шунча узоққа ўз фарзандини ўқишга юборган биз ота-оналарнинг аҳволини ҳам бир тасаввур қилиб кўринглар-да.

Майли, бугунги кунда мактаб, болалар боғчаси ёки маданий-маиший муассасалар қуриш оғир иш, лекин ҳеч бўлмаса кўчамиздан автобус қатновини йўлга қўйиш мумкин-ку! Буни қишлоғимиз ҳудудидаги бир-икки километр йўлни қуриш ҳисобига амалга оширса бўлади. Ана шунда кўнглимиз сал таскин топган бўлур эди. Биз ушбу мактубимизни халқ депутатлари Қибрай район Кенгаши ижроия қўмитасига, «Наврўз» давлат хўжалиги раҳбари М. Мирмақсудовга ва Қибрай қишлоқ шўроси раиси М. Тешаев ўртоқларга етказишингизни ва илтимосимизнинг амалга оширилишида ёрдам беришингизни сўраймиз.

«Наврўз» давлат хўжалиги учинчи бўлимида яшовчилар номидан:

М. ОРИФЖОНОВ,
М. ҲАЛИЛОВ,
Х. ҚОРАБОЕВА,
Т. ҒОЗИЕВА,
жами 17 имзо.

РЎЗНОМА ИЗЛАБ

1992 ЙИЛНИНГ биринчи кунларидан бошлаб дўконларда рўзнома топиш амри маҳол бўлиб қолди. Лекин ҳамма рўзномаларни эмас, албатта. «Правда», «Известия», «Труд», «Комсомольская правда», «Советский спорт» каби рўзномалар аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, ҳамма дўконлардан топилади. Аммо республика, вилоят рўзномалари йўқ.

Куни кеча рўзнома қидириб метронинг «Пахтакор» бекатидан бошлаб Навоий кўчаси, Мустақиллик майдони бекати, «Правда» газетасин» кўчаси, Навоий номли театр майдони, «Тошкент» меҳмонхонаси атрофидаги рўзнома сотадиган дўконларгача айланиб чиқдим. Уларнинг биронтасида на «Ўзбекистон овози», на «Тошкент ҳақиқати»ни топа олмадим. 15 га яқин дўконнинг 10 тачасида «Тошкент ҳақиқати»ни умуман олмаётганлигини, қолганларида эса бор-йўғи 5 дона келаётганлигини афсус билан айтиб беришди.

«Халқ сўзи», «Қишлоқ ҳақиқати», «Туркистон» рўзномалари онда-сонда учраб қолади. Бу эрталаб соат саккиз билан тўққиз ораларидаги гап. Бироздан сўнг улар ҳам тугаб кетиши шубҳасиз. «Вақтида обуна бўлиш керак эди» дейишингиз мумкин. Тўғри, бироқ ҳар бир рўзноманнинг ўз муштарийси бўлади. У ишхонага кетаётиб, ўзи севган нашрга бир кўз югуртириб чиқмаса, худди бирор нарсасини йўқотган кишидек кўнгли жойига тушмайди.

Яқинда матбуотда эълон қилинган «Оммавий ахборот воситалари жамоаларининг Ўзбекистон Республика Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига мурожаати»ни ўқиб бир муштарий сифатида республикамиз матбуотининг аҳволи танглигини, унинг ёрдамга муҳтож эканлигини бидиб жуда хафа бўлиб кетдим. Аммо Тошкентдек шаҳри азимда эрталабданоқ истаган рўзномангизни топа олмаган бир ҳолда айнан шу рўзнома дўконларида (яна худо билсин қаерларда) юқорида номлари тилга олинган, ҳарқалай Ўзбекистонда кўпмиинг сонли ўқувчилари бўлган рўзномалар йўқ бир пайтда «Деловой мир», «Биржевой вестник востока», «Коммерсант», «Меркурий», «Куранти», «Культура», «Семья», «Слово жизни», «Народная правда», «Российская газета», «Правительственний вестник», «Русский курьер», «Российский вестник» ва бошқа бир қанча ажабтовур номлар билан аталгувчи рўзномалар тўпи билан туришини кўриб мустақил Ўзбекистоннинг пойтахтида эканлигинга ишонмай ҳам қоласан киши. Ундан ҳам ажабланарлиси, бу рўзномаларнинг кўпчилиги республикамиз ва унинг халқи шаънига бемалол маломат тошларини отиб туришларидир.

Наҳотки бунақа кундан-кунга болалаб кетаётган ажнабий рўзномаларни истаганча чиқариб сотиш имконияти бўлса-ю, республикамиз рўзномаларини кўпроқ нусхада чоп этишнинг имкони бўлмаса?

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ,
меҳнат фахрийси.

ДОРИЛФУНУНДА ҲАВАСКОРЛАР КЎП

Номи анча машҳур бўлиб қолган «Ўзбекистон қизлари» дастасига истеъдодли рақс устаси Дамира Сагирова раҳбарлик қилади. Тошкент давлат дорилфунунида фаолият кўрсатаётган бу гуруҳ аъзоларининг сони анчагина.

— Менинг ана шу жамоага қўшилганимга ҳам уч йил бўлди, — дейди Элгизия Мазитова. — Бу ерда устозимнинг меҳрибонлиги, айни пайтда талабчанлиги туфайли анча ўйинларни ўрганиб олдим.

Дастада Элгизия каби санъатга ихлос қўйганлар кўп. Улар 10 йил ичида ўзларининг истеъдодларини намоён қилдилар. Бадиий даста Франция, Япония, Жанубий Корея, Югославия ва бошқа ҳорижий мамлакатларда бўлди. Ўз дастурларини ойнан жаҳонда бир неча бор кўрсатди.

Маданият уйида «Ўзбекистон қизлари»дан ташқари М. Шаропова бошчилик қилаётган хор жамоаси ҳам бор. 70 нафар талабани ўз бағрига олган бу даста аъзолари қатор шаҳарлардаги танловларда биринчи ўринни эгалладилар. С. Раҳматов раҳбарлик қилаётган «Хушрўй» вокал-чолғу дастаси, М. Раҳимов етакчилигидаги ҳажвчилар, Бушлер бошлиқ театр студиялари дастури ҳам йилдан йилга бойиб бормоқда.

Бу ҳақда бизга маданият саройининг бадиий ҳаваскорлик тўгараклари бўлими бошлиғи Абдумутал ака сўзлаб бердилар.

Н. УМУРЗОҚОВА,
Н. БОБОЖОНОВА,
ТошДД журналистлар куллиёти талабалари.

• ИСТИҚЛОЛ ҲАҚИДА ЎЙЛАР •

Қуйган кўнгил армони



КЕЙИНГИ пайтда ҳаётни, инсонларни кузатар эканмиз, қизиқ бир ҳолатга дуч келамиз. Айни пайтда воқеалар ривожи шу қадар тез ўзгармоқдаки, бевосита шу жараёнда ўзимиз иштирок этаётганимиз учун ҳам назаримизда бизга турмуш тарзимиз ниҳоятда секинлик билан ўзгараётгандек туюлади. Лекин...

Менга қолса ўзгаришларнинг энг асосий ва қудратлиси республикамизнинг мустақиллик тожини кийиши бўлди десам хато қилмайман. Мустақиллик ҳақида фикр юритар эканмиз, уни халқимиз учун давр ҳамда жумҳуриятимиз раҳбарлари томонидан берилган ноёб туҳфа сифатида қабул қилишимиз ва уни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз сув билан ҳаводек зарур эканлигига имон келтираман.

Яқин-яқингача чет эллардаги жигарларимиз билан юз кўришиш, борди-келди қилиш ниҳоятда қийин кечарди. Баъзи бир ватандошларимиз эса ўзлари зўравонлик билан қувиб чиқарилган она юртларини бир умр қўмсаб ўтдилар. Ишонамизки, энди у кунлар қайтиб келмайди. Лекин барибир биз ўша қийинчилик онларини эслаб, ёдга олиб туришимиз лозим. Чунки шундай тақдирдагина бугунги истиқлол қадрига етамиз.

Ҳар доим шу ҳақда ўйласам, филология фанлари номзоди, эроншунос олим, марҳум Босит Мусаевнинг сўзлаб берган бир воқеаси ёдимга тушади. Ҳозир сизга азиз муштарийлар шу ҳақда ҳикоя қилиб бермоқчиман.

* * *

Олтмишинчи йилларнинг охири эди. Ўша пайтда Тошкент Давлат дорилфунунидаги Шарқ факультетининг эрон филологияси бўлимида ўқирдим. Тўртинчи курсда биз амалий машғулот ўтказиш мақсадида Теҳрон шаҳрига боришимиз керак эди. Кетар чоғимизда бизни махсус суҳбатдан ўтказишди. Асосийси «лақмалик» қилиб чет элда бирон нарсани оғиздан гуллаб қўймаслик, қадамни билиб босиш, кўрсатмадан ташқари бир қадам қўймаслик ва ҳоказо.

Теҳронга етиб келдик. Бу шаҳар ҳақида илгарилари ҳам кўп ўқигандим. Аёллар ва эркаклар сўнгги модада кийинишса ҳам ўзларининг миллий тил ва удумларини йўқотмаганликларини кўриб ҳайрон бўлдим (албатта, ўзимизга таққослаб). Чунки ўша пайтда бу мамлакатда Америка Қўшма Штатларининг таъсири кучли эди.

Бир куни эрталаб туриб бозор айландим. Тушгача шаҳарни томоша қилдик. Шу пайт менга кекса бир киши ўхтин-ўхтин тикилиб қараётганини кўриб, аввалига хавфсирадим. Наҳотки ДҲҚ ходимларининг бизга кўрсатма берганларидек, иғвогарлик мақсадида пайимга тушган киши бўлса. Ўзимни ҳеч нима билмаганга солдим. Лекин бахтга қарши ўша киши изимдан қолмасди. Ниҳоят бозордан чиқаверишда у менга яқинлашди.

— Ўғлим, сиз қаерликсиз?

Мен жавоб бериш ўрнига унинг чеҳрасига тикилдим. Олтмишлардан ошган, соқол қўйиб, сариштa кийинган. Чеҳрасидан нур ёғилиб турарди. Кўнглим бироз тинчиб, ўзимни босиб олгач, жавоб бердим.

— Ўзбекистондан...

— Ўзбекмисиз?

— Ҳа.

— Ўзбекистоннинг қаеридансиз?

— Тошкент шаҳридан.

— Баракалло,— дедию қариянинг кўзларига мунг чўкди. Кейин шошилиб бироз тўхтамга келгандек, қўлларини кўксига қўйдида:

— Узр, ўғлим, мен шу шаҳарданман. Бозор этагидаги маҳаллада истиқомат қиламан. Яна сиз мени кўнгли бузуқ деб тушунманг. Сизга мурожаат қилишимнинг сабаби мен ҳам асли тошкентликман. Сизни хонадонимга таклиф этишга ижозат берсангиз.

Дастлаб хаёлимга ҳар хил фикрлар келди. Лекин чолнинг умидворлик билан тикилиб туришини кўриб юрагим эзилиб кетди ва нима бўлса бўлди,— дегандай астагина:

— Майли отахон, бораман. Лекин нотаниш кишини уйингизга таклиф қилишдан мақсад нима? — деб сўрадим.

— Эҳ, ўғлим, — чуқур уҳ тортди қария, — мен сизни миллатдошим эканлигингизни бир қарашдаёқ кўзларингиздан сезгандим. Узр, Орқама-орқа келаётганимнинг сабаби ҳам шунда. Мен бечора бир оғиз суҳбатингизни олсам дегандим. Ахир она юртдан келган кишини бу ерда ҳар куни ҳам учратавермаймиз-ку.

Ноилож қариянинг орқасидан эргашдим. У эса йўл-йўлакай менга мулозамат қилар, унинг бу ҳаракатидан ҳижолат тортардим. Ун дақиқалар чамаси юрганимиздан сўнг ҳашаматли бир уйнинг дарвозасига яқинлашдик. Қария қўлини кўксига қўйганча:

— Марҳамат қилинг, ўғлим, хуш келибсиз, хонадонимизга.

Йўлакдан ичкарига кирдик. Кенг ҳовли. Уй-жойидан мезбоннинг ниҳоятда ўзига тўқлиги сезилиб турарди. Ўзбекча қилиб ясатилган меҳмонхонага кирдик. Фотиҳадан сўнг ёшгина йигит чой келтирди.

Мен қандайдир шубҳа билан атрофга тикилдим. Хонадан нариги уйга чиқиладиган эшик бўлиб, пастга зина билан тушилар экан. Орадаги сукутдан сўнг қария тилга кирди:

— Ўғлим, ҳали мен сизга айтганимдек, биз ҳам асли Тошкентликмиз. Ота ҳовлимиз Чорсу тепасидаги Хонақоҳ мавзесида эди. Фалакнинг гардиши билан бу ерларга келиб қолиб, ризқимизни териб юрибмиз. Бир неча йил илгари падари бузрукворимиз вафот этдилар. Ўзим гиламфуруш дўкондорман. Эрон гиламлари билан савдо қиламиз. Ҳамма нарса етарли. Лекин... чолнинг кўзларида ёш кўринди. — Ватанни қўмсаймиз, холос. У ёқдан сизга ўхшаб келганлар билан бироз суҳбатлашсак, гўёки киндик қонимиз тўкилган жойларни кўргандек бўламиз. Юрак қурғур ўша томонларга талпинади. Лекин наилож...

Мен унга тасалли беришга ҳаракат қилдим. У эса серҳашам хонанинг бурчагига борди-да, қозиқда осиғлиқ бахмал халтани олиб келди. Унинг оғзини очиб, кичкинагина халтачани оларкан кўзларига суртди-да:

— Худога шукур, мол-мулкимиз ҳам, ҳовли-жойимиз ҳам етти пуштимизга етиб ортади. Нолимайман. Лекин мана шу халтачадаги бир сиқим тупроқни шунча мол-дунёдан устун кўраман. Бу она еримизнинг тупроғи. У халтачани авайлаб кўзларига суртди-да, қайта бахмал халтага ўраб, жойига илиб қўйди.

Мен унга ачиниш билан қараб турардим. Шу пайт суҳбат мазмунини ўзгартириш мақсадида:

— Худога шукур, беш нафар фарзандим бор. Аёлим асли шу ерлик ўзбеклардан. У ҳам ўтган йили қазо қилганди. Фарзандларимнинг кўпчилиги савдо ишида, юринг, дўконни бир кўринг ўғлим.

Биз хона эшигидан чиқиб, зинадан пастга тушдик. Йўлакдан тўғри юрилса дўкондан чиқилар экан. У ерга кирдиму, ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Хашамдор кенг дўконда қават-қават эрон гиламлар тахланиб ётар, сотувчилар ўз ишлари билан банд эди. Улар қарияни кўришлари билан югуриб келиб, салом бериб, сўрашдилар. Қария улар билан саломлашиб бўлгач, мени таништирди.

— Ҳамюртимиз, кечагина келдилар Тошкентдан.

Дўконни айланиб яна меҳмонхонага чиқдик. Вақтим зиқлиги туфайли кетиш тараддудига тушдим. Буни мезбон сезди-да, астагина: — Шошилманг, ўғлим, бироз гаплашиб ўтирайлик. Сиз қаерда эдингиз, мен қаерда эдим.

Мен росмана шошилаётганимни айтиб узр сўрадим. Шунда у ночор: Майли ўғлим, ундай бўлса қаршилик йўқ, лекин сиздан бир илтимосим бор. Тошкентда бир синглим истиқомат қилади. Тахминимча ҳозир ҳаёт бўлса керак. Шунга мана бу рўмолчани бериб қўйсангиз. Чол менга ҳарир рўмолчани узатди.

— Отамиздан қолган ёдгорлик, синглимиз чопонфуруш домланинг ён қўшниси эди. Хонақоҳнинг юқорисида турарди. (Тахминан илгариги Қизил тут кўчасидан ҳозирги Пахта кўчасига чиқиладиган жойда). Ҳаёт бўлса беарсиз ва мени омон-эсон юрганлигимни айтиб, дуои фотиҳамни топширарсиз.

Мен қариянинг қўлидан дастрўмолни олиб чўнтагимга солдимда, хайрлашиб кўчага чиқдим.

Уч ой ҳам хаш-паш дегунча ўтиб кетди. Тошкентга келишим билан қарияга берган ваъдам ёдимга тушди. Эски шаҳардаги у айтган манзилгоҳни қидириб топдим. Эшикни қоқдим. Ўрта ёшли киши чиқди. Аёлни сўроқладим. У киши мени ҳовли тўридаги уйга бошлади. У ерда тўрт қаватли кўрпачада бир аёл ўтирарди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач, келишимдан мақсадни айтиб, Теҳронда кўрган кечирганларимни унга сўзлаб бердим ва рўмолни узатдим. Аёл қўлимдан уни олди-да, ҳидлаб юзларига босди. Ўзини тутолмай ҳўнграб юборди. Кейин ўзини босиб олгач аста:

— Раҳмат, сизга ўғлим. Отам билан акамни кўргандек бўлдим. Кейин мени бошлаб кирган кишига:

— Меҳмонга нон-чой олиб келмайсанми, ўғлим.

Шошиб турганимни тушунтириб, хайрлашиб чиқдим. Мана бу воқеани эсласам ҳали-ҳали қариянинг илтижоли тикилиши-ю, аёлнинг ҳўнграб йиғлаши кўз олдимдан сира кетмайди.

* * *

Мана мен қаламга олган воқеага ҳам йигирма йилдан ошди. Эндиликда биз ҳикоя қилган қария оламдан ўтгандир. Лекин мени ҳаяжонга солган нарса, бу инсон умр бўйи ватанга қайтиш орзуси билан яшаб, уни тупроғини кўз қорачиғидек асраб-авайлади. Демак, кўриниб турибдики, ватанда яшаш, унинг тупроғида унган нозне ъматлардан баҳраманд бўлиш, ҳавосидан нафас олиш ҳам катта бахт экан. Лекин унинг тупроғида яшаб, ҳақиқий фарзанди бўла олмаслик эса катта фожиа.

Ўзбек халқининг асл фарзандлари айни пайтда республикамиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида ўқиб, меҳнат қилмоқдалар. Улар мустақилликни қанчалик заҳматлар эвазига — Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаевлар сингари асл фарзандларини қурбон қилиб эришганимизни яхши тушунадилар. Мана мен шуларни ўзбекнинг ҳақиқий фарзандлари деб атагим келади. Лекин ҳозирги пайтда эҳтиросларга эрк бериш, ёвуз фикрли кимсалар иғвосига учиш эса ҳеч қачон эзгу мақсадларимизни ушалишига хизмат қилолмайди. Балки кўзлаган мақсадимизни узоқлаштиради.

16 январь куни талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган қонли воқеани олайлик. Ўйламасдан қўйилган биргина шу қадам туфайли бегуноҳ йигит халок бўлди, қанчадан-қанча укаларимиз тан жароҳати олишди. Дил жароҳати эса узоқ вақтгача битмаса керак. Биз яна бир бор эҳтиросларга эрк бердик. Ахир шу талабалар шаҳарчасида йиғилиб қолган муаммоларни давлатимиз раҳбарлари олдига қўйиб, холисона ечиш мумкин эди-ку!

Ахир Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо сифатида қабул қилинишимиз арафасида, ўзбек халқини давлат сифатида чет эллар тан олаётган бир вақтда бу можаро кимга керак эди. Кимга зарурлигини билмадиму, лекин оддий ўзбек халқига фақат зарар келтирди. Бизни бутун жаҳонга ёмонотлиқ қилиб кўрсатиш одат тусига кириб қолган марказий матбуот яна бизга тиш қайради. Одатдагидек фактларни йиғиштириб, тоғорага солганча «совун солиб кўпиртира» бошлади. Натижа эса маълум — ойнаи-жаҳон, радио ҳамда матбуотда шу кунимизнинг «қаҳрамон»лари яна ўзбеклар.

Бўлар иш бўлди. Эндиликда биз камида бу воқеадан тўғри хулоса чиқариб олишимиз лозим. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам ҳамма нарсани йиғиштириб қўйиб, ватан, миллат туйғусини устун қўяйлик. Ота-боболаримиз ўсибунган тупроқда яшаётган эканмиз, уларнинг ҳақи-ҳурмати бизга мерос қолган, лекин кўп ҳолатларда биз амал қилмаётган тўғрилик, тантилик, имонлилик, ёмондан хазар ва мардлик удумларини давом эттирайлик. Шундагина уларнинг рухлари шод бўлиб, ўз элининг ҳақиқий фарзанди деган номга сазовор бўламиз.

Неъмат РАФИҚОВ.

• Тадбиркорликни ўрганайлик •

МАҚСАДИМИЗ БИР

ЎРТА ЧИРЧИҚ НОҲИЯСИДАГИ СВЕРДЛОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЖАМБУЛ ҚУРБОНБЕКОВ БИЛАН СУҲБАТ

— **Хўжалик ҳисоби шароитида бир хил экин экиш билангина тирикчилик қилиб бўлмаслиги аён бўлиб қолди...**

— Ўтган йил бошиданоқ турли хил экин экиб, парваришлашни мўлжал қилдик, Хўжалик меҳнаткашларини озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш учун ўзимизда бор бўлган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Шу мақсадда буғдой экилиб, 410 тонна ҳосил олинди. Колхоз аъзоларига олти ойлик якунга кўра ишлаб топилган ҳар бир сўм ҳисобида 150 граммдан буғдой берилди. Ҳар бир хонадонга 200 килограммдан пиёз, картошка ва шоли берилди. Имкониятимизни ҳисоблаб чиқиб, 100 килограммдан сабзи тарқатдик.

Далада етиштириладиган барча маҳсулотнинг ижодкори оддий меҳнаткаш халқдир. Шундай экан, ундан ўзи ҳам баҳраманд бўлиши, рўзғоридан, оиласидан, турмуш шароитидан кўнгли тўқ бўлиши керак. Хўжаликдаги бўрдоқига боқилган чорва моллари ҳисобидан аъзоларга 5 тонна гўшт, 350 дона товуқ сотилди. Уларнинг уйида боқаётган чорва моллари учун етарли миқдорда хашак берилди. Хўжалигимизда жами суғориладиган ер 1153 гектарни, ялмикор ер 289 гектарни ташкил қилади. Жорий йилда суғориладиган ерларга ҳам буғдой экиб, дон экинлари майдонини 1991 йилгига нисбатан икки баравар кенгайтиришни режалаштирдик. Жамоамизда битта сабзавотчилик бригадаси бўлиб, оилавий пудрат асосида иш юритилади. Ўтган йилда 37 гектар майдонда сабзавот етиштирилган бўлса, бу йилда янада каттароқ майдонга уруғ сепиб, кўчат ўтқазамиз. Ерга нималар экиб, қанча даромад олиш кераклигини тажрибалар кўрсатмоқда. 1990 йилда жами 3 миллион 675 минг сўм даромад қилинган эди. Ўтган йилнинг якунига кўра бундан ҳам кўпроқ фойда олиш кутилмоқда. Албатта, сарф-ҳаражат ҳам ҳар қачонгидан кўп бўлишлигини назардан қочирмаяпмиз. Маҳсулот етиштиришдан хўжалик ихтиёрига қоладиган соф фойда ҳисобига маданий-маиший қурилишларни амалга оширяпмиз. 47-ўрта мактабнинг янги биноси ва 67-ўрта мактабнинг тармоғи қуриляпти. Қишлоқ кўчаларини асфальтлашга 100 минг сўмдан кўпроқ пул сарфланди. Ҳозирги кунда 1-бўлим газлаштирилмоқда. «Кўнгирдак» бўлими эса водопроводлаштириляпти. Президент Фармонига асосан ва аҳоли ҳамда оилалар сонининг ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, 191 та оилага уй-жой учун 16,5 гектар ер берилди. 16 гектар майдон эса қўшимча томорқа сифатида тақсимланди.

— **Ўртачирчиқликлар кўп миллатли халқ...**

— Хўжалигимиз аъзолари кўп миллатли бўлиб, ўзбек, қозоқ, татар, рус ва корейслардан ташкил топган. Ҳаётимизни, иқтисодиётни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатни шу миллат вакилларининг дўстлигисиз тасаввур қилиш қийин. Бу дўстлик ўзаро ишонч ва ҳурмат, меҳнат жараёнидаги самимият ҳамда яғона мақсад туфайли мустаҳкамланган. Интилиш ва мақсадлар яғона бўлган жойда иш ҳар доим ўнгидан келаверади, деб ҳисоблайман.

Суҳбатдош Ҳ. СУЛАЙМОНОВ.

ЯНГИ ЎҒИТ ЯРАТИЛДИ

Олмалиқ кимё заводи мутахассислари Тошкент кимё илмгоҳи олимлари билан ҳамкорликда республикамиз қишлоқ хўжалиги учун жуда зарур азот-фосфорли янги ўғит яратдилар. Пойтахт вилоятидаги хўжаликлардан бирида синовдан ўтказилаётган бу ер малҳами «Уфакс» деб номланди.

«Уфакс»ни ишлаб чиқариш учун ортиқча сарф-ҳаражат талаб этилмайди. Унинг таркибида тупроқ тузилишини яхшилайдиган гипс моддаси кўпроқ бўлиши соҳибкор ва сабзавоткорларга жуда маъқул тушмоқда. Чунки бошқа ўғитлар сингари суғориш пайтида унинг асосий қисми оқава билан чиқиб кетмайди. Қолаверса, янги ўғитнинг нархи ҳам нисбатан арзон.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

АҚШ ЭЛЧИХОНАЛАР ОЧМОҚДА

3 ФЕВРАЛЬ куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзолари бўлган мамлакатларнинг бир йўла учта пойтахти — Олмаота, Ереван ва Бишкекда АҚШ элчихоналари очилди. Қозоғистон пойтахтидаги элчихона шу вақтгача Маданият жамғармасининг Қозоғистон бўлимига қарайдиган қадимий кўркам бинога жойлашди. Ҳозирча элчи тайинланган эмас. Лекин АҚШнинг Қозоғистондаги ишларини вақтинча Жексон Макдональд бажариб туради.

ЯҲУДИЛАРНИНГ КЕТИШИ КАМАЙДИ

«СВОБОДА» радиосининг хабарига қараганда, собиқ совет республикаларидан Исроилга яҳудийларнинг кўчиб кетиши кейинги йил мобайнида энг кам даражада бўлган. Январь ойида Исроилга тахминан 6200 киши келган. Яҳудийлар кетиши сусайганлигининг асосий сабаби Исроилга борган кишиларнинг муаммолари, аввало ишсизлик билан боғланган.

НАРХЛАР БЕҚАРОР

ТОЖИКИСТОН Президенти Р. Набиевнинг фармони билан 5 февралдан бошлаб республикада ун ва нонинг чакана нархи ўртача 35 фоиз арзонлаштирилган, шунингдек республикада тайёрланаётган гўшт учун энг юқори чакана нарх 35 сўм қилиб белгиланган.

Беларусда эса гўшт маҳсулотлари нархи анча кўтарилди. Ҳозир у ерда бир кило мол гўшти 46 сўмга етди.

КУБА БИЛАН БИТИМ

КУБА билан тузилган савдо битими Қозоғистоннинг шаҳар ва қишлоқларида шакар тақчиллигини камайтириши мумкин. Битимга кўра Кубадан 200 минг тонна шакар хом ашёсини етказиб бериш назарда тутилган. Бу хом ашё Жамбул, Олмаота ва Толдиқўрғон вилоятларидаги заводларда қайта ишланади. Қозоғистон ўз навбатида Кубага Каспийбўйи нефтидан кўп миқдорда жўнатмоқчи.

●

ТУРКМАНИСТОН ҲАЁТИ

● Туркманистоннинг Этрек районида Гудурўлим—Пасхахепол йўли очилди. Энди туркманистонликлар тўғридан-тўғри Эрон билан иқтисодий, маданий, савдосотиқ алоқаларини йўлга қўндилар. Бу икки мустақил давлатни келгусида фақат автомобиль йўлларигина эмас, балки пўлат излар ва денгиз йўллари орқали ҳам боғлаш кўзда тутилмоқда.

● Фароғат станциясидан Сарахтга қадар кейинчалик эса Эроннинг Машҳад шаҳригача давом этадиган янги темир йўл тармоғи қурилиши бошланди. 120 километрлик ушбу йўналиш келгусида Истамбул — Пекин трансосиё магистралининг асосий йўлларидан бири бўлиб қолади. У ишга тушгач, Туркманистоннинг Эрон, Туркия ва Ўрта ер денгизига чиқиши учун йўл очилади.

● Эрон билан Туркманистон чегарасидаги Инчабурун қишлоғи яқинида ҳам икки давлатни бир-бирига боғлайдиган яна бир алоқа йўли очилди. Мазкур йўл Эронни қадимий Туркистоннинг ҳозирги мустақил давлатлари билан боғлайди. Шу йўл орқали эронликлар Туркманистонга 2 минг тонна апельсин, мандарин, лимон ва олма жўнатади. Туркманистон тарафи эса Эроннинг Мозандарон вилоятига цемент, шиша ва бошқа саноат маҳсулотлари юборади.

ХАЛАЧ ГИЛАМЛАРИ

Туркман гиламларининг доврўғи дунёга маълум ва машҳур. Айниқса, Халач гилам фабрикаси ишчилари тўқиган маҳсулотларда юксак санъаткорона кўринишлар намоён этилган. Ҳозирда халачлик гиламдўзлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг 80 фоизини чет мамлакатларга сотмоқда. Қадимий туркман миллий нақшларини ўзида акс эттирган гиламларга эса қоражда талаб янада кучаймоқда.

Яқинда шундай гиламларнинг бир неча юзтаси Олмониянинг Гамбург шаҳрида яшовчи туркман миллатига мансуб Оқмурод Нурекнинг фирмаси номига юборилди.

Халачлик гиламдўзлар фабрикасининг ишбилармонлари ўтган йили ватандошлари Оқмурод Нурек билан яқиндан алоқа ўрнатишганди. Шу қисқа вақт мобайнида икки томонлама фойдали ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда гиламдўзларнинг ихтиёрида 200 мингдан зиёд доллар бор. Корхона бу маблағлардан тиббий асбоб-ускуналар, камёб дорилармонлар, кенг аҳоли учун истеъмол буюмлари сотиб олишни мўлжаллаган.

(ТУРКМАНИСТОН МАТБУОТИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА Н. УСМОНОВА ТАЙЁРЛАДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

Меросимизни ўрганамиз

ИСТЕЪДОДНИНГ ЁРҚИН ҚИРРАСИ

ТАЙЁРЛОВЧИДАН: Профессор Абдурауф Фитратнинг қуйидаги «Санъатнинг маншаи» (келиб чиқиши) кичик илмий тадқиқотини эълон қилишдан мақсад шуки, буюк истеъдод соҳибининг бизга кам маълум бўлган яна бир ижод қирраси ушбу асар орқали очилади десак, муболаға бўлмас. Чунки, домла Фитрат драматург, шоир, ёзувчи ва мусиқашунос, иқтисодчи сифатида бизга жуда яхши таниш. Бу асари орқали эса домла Фитрат санъатшунослик соҳасида ҳам изланишлар олиб боргани маълум бўлади. Рақс, мусиқа, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, адабиёт ва рассомлик санъатлари Абдурауф Фитратни доимо ўйлантириб келган муаммолардан эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унинг санъат тарихини ўрганувчи мутахассис — олим эканини чуқурроқ англаб етишимиз, бизга бу мураккаб шахснинг ижодини янада ойдинлаштирса керак. Мазкур илмий тадқиқотда домла Фитрат юқорида айтилган санъатнинг асосан олтита (мусиқа, рақс, адабиёт, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, расм) тури келиб чиқишини, уларнинг тарихини ибтидоий даврдан бошлаб ўрганишга, Фитратнинг ўз сўзи билан айтганда, «бош илдизини» топишга ҳаракат қилади. Унинг бу илмий иши устида тинимсиз изланганини сезиш қийин эмас. Шу билан бирга чет эл олимларининг изланишларидан ҳам яхши хабардорлиги кўзга ташланади. Балки, вақти келиб домла Фитратнинг санъатшунослик соҳасида катта илмий изланишлари борлиги очилса ҳам ажаб эмас. Ана шундай катта умидлар билан бу асарни эълон қилишга журъат этдик. Назаримизда, бу асарнинг қиммати шундаки, иш ўзбек санъатшунослигида биринчи дадил қўйилган қадамлардан бири эканлигини кўрсатади. Шу боис асарнинг эълон қилиниши фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

• ФИТРАТ •

САНЪАТНИНГ

Бундаги «санъат» сўзидан мақсад гўзал санъатлар (нафис санъатлар) эканини айтиб ўтуриш албатта керак эмас. Санъатнинг маншаи деган бир масала — маданият тарихининг муҳим бир нуқтаси бўлгани каби турли маслакли олимлар томонидан турлича изоҳ этила келган ихтилофли бир «баҳси»дир.

Санъат инсонлиқ тарихида жуда эскидир. Маълумдирки, тарихдан бурунги (қабилат тарихи) замонларининг бир неча даври юнутма тош давридир. (Ё бурунги тош даври) Бу даврда ер юзида ўхшашли каркадон, ункур (ангар — т. к.), қоплони, мамут (мамонт) фили каби қўрқунч, ваҳший ҳайвонлар яшардилар. Фарансадаги (Франция — т. к.) «Маделен» мағорасида бир юзида мамут расми чизилган бир фил тиш тахтачаси топилгон. Асари атиқа аҳли томонидан бу расмнинг яхши чизилгани тасдиқ этилади. Бу тахтачаға бу расмни чизган ибтидоий одамнинг «мамут»ни неча дафъалар кўргани, мамут билан бир замонда яшаганини яъни, шул юнутма тош даврининг одамларидан эканн шубҳасиздир.

Оврўпо муза (музей)ларида мамут расмига замондош бўлгон расмлар бордир. Бу эса инсонлар орасида санъатнинг қандай эски бўлгонига очиқ далилдир. Инсонлиқ тарихида шу қадар эски бир ўрун тутгон санъатнинг пайдо бўлуши қандайдир? Бунга сабаб нима эмиш?!

Мана сизга бир савол, ким турли фалсафий маслакларга мансуб бўлгон олимлар томонидан турлича изоҳ этилади.

Бир қисм олимларнинг айтганига кўра, гўзал санъатларнинг маншаи диний туйғулардир. Яъни, гўзал санъатлар диний туйғуларнинг таъсири остида пайдо бўлгон.

Булар ўз фикрларини мана шу йўлда исбот қилишга тиришадилар. Гўзал санъатлар бошда: рақс, мусиқий, адабиёт, расм, ҳайкалчилик, меъморлиқ каби олти буюк шўъбага ажралади. Буларнинг энг бурунгуларидан саналгон ҳайкалтарошликнинг пайдо бўлишига сабаб бутпарастлик туйғусидир. Маълумдирки, бурунги одамлар ўз товаракларида бўлур турган бир кўб табиий ҳодисаларнинг сабабларин, ҳақиқий сабабларини англатмоқдан ожиз эдилар. Шу ожизлиқ натижасида у ҳодисаларнинг ҳар бирини бир турли маънавий (хаёлий) сабабларга боғлашдан бошқа чоралари йўқ эди. Улар табиий ҳодисаларни идора этгувчи руҳларнинг, жинларнинг борлиғига ишонар эдилар. Ҳамда бу хаёлий мавжудларнинг баъзи ҳайвонлар суратига кириб, одам кўзига кўринишларини қабул қилардилар. (Бу эътиқод мусулмон динида ҳам бор: «уйларда, ҳовлиларда кўрулган илонни уч кунгача ўлдирманг, ажина бўлса уч кунгача кетар, уч кунгача кетмай қолса, уни ажина эмас, ҳақиқий илон экани маълум бўлади, ундан кейин ўлдирингиз!» деган Муҳаммад пайғамбарнинг сўзи бор). Шунинг учун ҳалиги ҳайвонларнинг (ҳайвон шаклида кўрунган руҳлар, жинларнинг) кўпларидан фойдаланиб, ё зарарларидан сақланмоқ учун бирорта кичкина суратларни ясаб, ўзлари билан танишмоқ ўйларида қўйиб, шунга таъзим қилмоқ лозим кўрулгон. Ов уруши майдонларида муваффақ бўлмоқ, енгмак учун яроқларда шуларнинг суратларини чизиб қўйиш фойдали топилгон. Бу ҳол такрорлана-такрорлана қулайлашгон, одамлар бунга моҳир бўлгонлар, баъзи бир ҳайкаллар ва расмлар бошқаларидан чиройлик чиққан. Буларнинг энг чиройликларига одамларнинг диққатини ўзига тортгон. Шунга қарашдан бир турли лаззат олгон. Мамнун бўлгонлар, «Ясалгуси ҳайкалларнинг, расмларнинг, ҳаммаси ҳам шундай чиройлик бўлса эди» деган бир тилак пайдо бўлгон, шу йўлда тиришилган, мана бу ҳол ҳайкалчилик ҳам расм санъатларининг майдонга чиқишига сабаб бўлгон.

Маданият тарихида энг муҳим роль ўйнагон меъморлиқ санъатига келганда ҳам ҳалиги олимларнинг фикрлари юқориғидан қолишмайди. Машҳур англиз файласуфи Спансарга кўра меъморлиқ санъати дин туйғулари билан биргаликда туқгон экан! Улар айтадиларки, ибтидоий инсонларнинг унгурларда (мағораларда) яшагонлари маълумдир. Инсон мана шул унгур (мағора)ларда яшагони ҳолда изоҳи мумкин бўлмагон баъзи ҳодисалар ҳаққида ўйлай бошлайди. Инсон тушларида ўлганларнинг руҳлари ухлагонларниқига ўхшаш саёҳатга боргон бўлмасун! Тахминан мана шу калда инсонларда гавдадан айрим яшай олгувчи «жон» фикри туғулади. Демак, ўлганларнинг руҳлари ухлагонларниқига ўхшаш саёҳат қилиб юради. Баъзи кишиларга зарар етказади. Баъзиларга фойда беради. Бу ҳолда ота-боболарнинг ўлукларга ҳурмат қилиш, уларни шу мағораларда қўйуб, ҳарвақт онда қурбон кесиш, турли расмлар, суратлар билан зийнатлаш лозим бўлуб қолади. Иш мана шу йўлда бориб мазор бўлгон мағораларнинг ибодатхона бўлушлари билан натижаланди, мана меъморлиқ санъатининг томири шундандир!

Мусиқийнинг, рақснинг, адабиётнинг бизга эришган энг бурунги намуналари инсонларнинг маданият йўлида анчагина илгари босгон замонларидан қолгонлар. Булар ўзларининг инсонлиқнинг бошланғичида бўлгон намуналарини бизга бера олмайдилар. Шунинг учундирким: Гўзал санъатлар тарихини (шу восита билан маданият тарихини ҳам) динга боғламоқчи бўлгон ҳалиги олимларнинг бир қисмлари мусиқий, рақс, адабиёт тўғриларида ҳалиги

Шахсий фикр

ЭРТАК ЭШИТМАГАН ҚОТИЛЛАР

Бола ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Аксинча уни жиноятчи қилиб тарбиялайдилар. Хўш, ким ўша тарбиячи? Шубҳасиз, аввал ОТА-ОНА, сўнг ЖАМИЯТ! Модомики, ўсмирлар ўртасида жиноят содир этиш тўхтовсиз ўсиб бораётган экан, бунинг туб илдизларини жамиятдан ва шу жамиятни юргизаётган катталардан излашга ҳақлимиз.

Исмини шартли равишда Саша деб атаётганимиз — қотмагина болакай ҳам ҳали она сути оғзидан кетмай туриб ўғри деган ном орттирган. Қўлга тушиб, судланди. Бора-бора уни кўрганлар беихтиёр ўзини четга оладиган, қўни-қўшнилар эса эҳтиёт юзасидан эшикларини маҳкамроқ беркитадиган бўлишди.. Аммо Саша бундан заррача ҳам хафа бўлгани йўқ. Аксинча ҳамма мендан қўрқади, деб мағрурланди. Атрофига эса ўзига ўхшаган ҳамтовоқларини йиға бошлади. Аммо мана шундай шароитда у оғир жиноятларга қўл уриши мумкинлигини ҳамма биларди. Биларди-ю...

Ўша кун келди: эндигина балоғат остонасига қадам қўяётган бир паллада Саша одам ўлдириб қўйди.

Апрелнинг сўнгги кунлари эди. Саша шаҳардаги истироҳат боғида жойлашган пивохонада тўйгунича пиво ичди. (бизда шунақа, ёши билан қизиқмайдилар, пулини тўласа бас, қўш-қўллаб тутқазаверадилар). Кейин нима бўлди-ю, боғда дам олиб юрган С. исмли йигит билан жанжаллашиб қолди. Одам боласи учун бундан ҳам ортиқроқ ваҳшийлик борми? Жамият учун мана шундай ўғрини, муттаҳамни, қотилни етиштириб берган ота-она ким ўзи?

— Ўша куни ўғлим кийимлари йиртилган бир ҳолатда уйга кириб келди,— деди Сашанинг онаси судда берган кўргазмасида.— Кўйлагида қон юқи бор эди. Аввалига нима бўлганини яширди. Кейин эса «Паркда Муштлашдилар. Саша бу билан қаноатланмади. Ўзини зўр бериб ҳимоя қилаётган С. нинг танасига бир неча марта пичоқ санчди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида қоп-қора қонга беланиб жон бераётган рақибини кўриб хуши учган ёки қўрқанидан жуфтакни ростлаб қолган бўларди. У эса қаёқдандир пайдо бўлган В. исмли таниши билан бошқа бир шахсни уриб, қўлидан магнитофонини тортиб олди. Оғиз ҳам очгани йўқ, очолмасди ҳам. Чунки, ўғли ўғрилик буюмларни уйга кўтариб келишни одат қила бошлаганида ҳаромдан хазар қилмаган мана шу аёлнинг ўзи эди! Судланиб, тақдири қил устида қолган чоғларда ҳам Сашани — қалби ноинсоний туйғулар гирдобида чўкиб бораётган болани ўз эркига ташлаб қўйган ҳам мана шу аёл эди. Фарзанди саккиз йилга озодликдан маҳрум қилингандан кейингина ундан садо чиқди: «Саша ҳали бола-ку»,— деди. Боласининг келажаги куйиб бўлгандан кейингина юқори идораларга «Суд нотўғри ҳукм чиқарди»,— дея югуриб борди. Аммо ишни қайта кўриб чиққан вилоят халқ суди ноҳия халқ судида кўриб чиқилган, хусусан, судья О. Абдураҳмонов ниҳоясига етказган мазкур ишни тўғри деб ҳисоблади ва ҳукмни ўз кучида қолдирди.

Қора курсида биз ҳамиша жиноятчини кўрамиз. Бироқ уни жиноят кўчасига етаклаган кишилар эса ҳамиша бегуноҳ томошабин бўлиб қолаверадилар. Ҳали балоғатга етмаган унгутлик Т. ҳам ёлғиз жиноятчи сифатида судда жавоб берди Аслида...

У шу йилнинг июнь ойида тегишли бўлмаса-да армиядан қайтган ҳамқишлоғининг «вечер»ига борган, йигитлар билан баб-баравар «отишган» эди. Қизиғи шундаки, ҳеч ким унга «сен ҳали ёшсан, ароқ ичма»,— деб айтмади. (Саша содир этган фожеанинг бошланиш нуқтасига нақадар ўхшаш). Базмдан тунги ўн иккиларда тарқалдилар. Йўлда Т. ҳамқишлоғи Ф. билан ғижиллашиб қолди. Йигитлар уларни ажратиб қўйишди. Улар эса «орани очиқ қилиб олиш» мақсадида четроққа ўтдилар. Яна муштлашув... Аёвсиз дўппосланган Ф. эрталаси куни касалхонада жон берди...

Шунчаки рақибининг попугини пасайтириб қўйиш ниятида кучига зўр берган Т. уни ўлдириб қўяман, деб ўйлаганмикан?

Бутун фожеанинг моҳиятини англаб етган Т. айбига иқрор бўлди. Унинг устидан ҳукм ўқилди. Фарзандининг ярим кечагача кўча санғишига йўл қўйиб берган, вақтида тартибга чақирмаган ота-она оқибатда қон қақшаб қолаверади. Тўғри, Т. жазони албатта ўтайди. Бироқ, бир умр энди виждон азоби ўтида қоврилмасмикан, бевақт нобуд бўлган Ф.нинг арвоҳлари уни таъқиб этиб қийнамасмикан? Фарзандининг хизматини ўтаб қайтиши муносабати билан дастурхон ёзиб йигитларни меъёридан ортиқ ароқ билан сийлаган хонадон соҳиблари-чи? Бу қотилликнинг рўй беришида ўзларини заррача бўлсин, айбдор деб ҳисоблармикинлар? Асслида қора курсининг бир кетида бундай эътиборсизлик ва лоқайдлик учун ҳам жой бор эди.

Бир ҳамкасбимиз таъкидладики, булар ҳали ҳолва. Ҳа,истайсизми, истамайсизми, янги-янги жиноятлар ҳақида ҳикоя қилувчи пашшалар кундан-кунга қаппайиб бормоқда. Уларни кўздан кечириб даҳшатга тушасан киши. Ахир бола онасининг кўксига бош қўйиб эркаланадиган бир пайтда ўғрилик қилмоқда, одамларнинг осойишталигини бузиб безорилик қилмоқда, қўлини қонга ботирмоқда... Биз ҳали бировларнинг ҳалол меҳнат билан топган кийим-кечакларини ўғирлаб пул ишлаётган, хонадонлардан гилам, магнитофон, ҳатто музлатгичдаги озиқ-овқатларгача ўмариб бойваччалардай қаддини ғоз тутиб юрган «шов-воз»ларни тилга олганимиз йўқ. Уларнинг аксарияти ҳали бола. Уларнинг ҳаёлига «Ҳозир мана шу уйга кириб фалон нарсани олиб чиқиб кета оламан, сотсам шунча пул бўлади»,— деган фикрдан бошқа ўй келмайди.

Нима учун болалар ўртасида жиноятчилик кўпайиб кетмоқда? Бу саволга лўнда қилиб: «Оналар ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланмай қўйдилар»,— деб жавоб бериш мумкин. Лекин атрофдагилар, маҳаллалар фаолларининг таъсирини кучайтириш йўлларини ҳам ўйлаш керак.

Аммо энг бошда болаларнинг болалик дунёси беғубор бўлиши уларнинг қалби она алласи, айтган эртаклари билан эзгу туйғуларга тўлиши учун гўдак туғилгандан бошлаб тарбияни маҳкам ушлаган оилаларнинг юзи ҳеч қачон ергa қарамайди. Буни асло унутмайлик!

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

Мутахассис маслаҳати

САБЗАВОТ

ОЗИҚ-ОВҚАТ муаммосини тезроқ ҳал этиш жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичдаги энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди. Қолаверса, мустақил шароитда иш юритишга ўтилаётган бир пайтда бозорларимизнинг мўлкўллигини таъминлаш, ҳар бир оила дастурхонининг тўкин-сочинлигига эришиш кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Шунинг учун бу муаммони тезроқ ва баҳолиқудрат ҳал этиш шахсий томорқа хўжаликлари эгалари зиммасига катта масъулият юклайди.

Агарда томорқаларимизда йил давомида сабзавот етиштиришни яхши йўлга қўйсак, ўйлайманки, кўп томонлама фойда кўрган бўлардик. Биринчидан, бозорларимиз пештахталари маҳсулотга тўлиб-тошиб, нархнавонинг илдизига болта урилади. Иккинчидан эса, сабзавот етиштирувчилар хусусан, томорқа эгалари ортиқча сарф-ҳаражатлардан ҳоли бўлишарди. Оила жамғармасига қут-барака кирган бўларди. Бунинг устига томорқада етиштирилган маҳсулотни истаган пайтингизда узиб истеъмол қилишингиз мумкин.

Шахсий хўжаликда сабзавот етиштириш борасида гап кетганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бунда редисканинг ҳам ўз ўрни бор. Чунки сабзавотлар ичида биринчи бўлиб ҳосилга кирадигани ҳам редискадир. У то бодринг ва помидор пишиб етилгунга қадар иштаҳа билан истеъмол қилинадиган сабзавот тури ҳисобланади. Эртапишар редисканинг инсон саломатлигига фойда берадиган томонлари ҳам кўп. Унинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган моддалар, жумладан шакар, оқсил, клетчатка, минерал тузлар, шунингдек, витамин ва ферментлар мавжуд. Бу моддалар овқат ҳазм қилиш ва модда алмашинишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўз томорқаларида редиска етиштирмоқчи бўлганлар унинг навига алоҳида эътибор беришлари керак. Чунки ҳар бир навнинг экиладиган вақти бўлади. Агарда совуққа чидамсиз ёки кечпишар навлар февраль ойида экилса, наракилаб (гуллаб) кетади. Натижада ҳосилдорлик кескин камаяди. Шунинг учун уларни учтўрт муддатда навларига қараб экиш тавсия этилади.

«ҚАЛДИРҒОЧИ»

Биринчи муддатда «Эртапишар», «Сакса», «Оқтумшуқ — қизил редиска» каби совуққа чидамли навлар об-ҳаво шароитига қараб 10—15 февралдан кечиктирмай экиш, мабодо имкони бўлса, бир қисмини плёнка тагида ўстириш керак.

Иккинчи муддат учун ўртапишар навлари танланади. Биз бунда «Қизил великан», «Тошкент оқ редискаси» навларини 25 февраль — 1 мартдан қолдирмасдан экишни тавсия этамиз. Учинчи муддатда «Дунчан», «Май» навларини 15—20 март оралиғида эккан маъқулроқ. Ва ниҳоят тўртинчи муддатга ҳам юқорида номлари қайд қилинган навларни 1 апрелга қадар сепиш зарур.

Хўш, уруғ қандай экилади? Экиш мобайнида нималарга эътибор бериш керак? Аввало, редиска уруғи танлаб олингач, 70 сантиметр кенгликдаги эгат пушталарига икки-уч қатор ёки сепма қилиб экиш мумкин. Бунинг учун 100 квадрат метр ерга 120 грамм ҳисобида уруғ сарфланиб, ярим, бир сантиметр чуқурликда экилади. Юқори сифатли ҳосил олишни истасангиз, редискани чириндига бой ва қуёш нурига ўнғай жойни танланг. Уруғ экилгач, устидан икки-уч сантиметр қалинликда чириган гўнг сочилади. Шундай қилсангиз, ерни қатқолоқ босмайди. Асосийси, уруғни совуқ уришдан сақлайди. Униб чиққандан сўнг бегона ўтлардан тозалаб ташланг.

Редиска алоҳида парваришга муҳтож. Уни ерга сепиб қўйган билан парвариш қилмасдан туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шунинг учун уни ўз вақтида яганалаш лозим. Эртапишар навларнинг туп ораси 3—4 сантиметр, кечпишар навларники эса 5—6 сантиметр қолдирилади. Сўнг вақти-вақти билан суғориб туриш керак. Экин оралари эса юмшатилиб турилади. Ана шу маслаҳатларга амал қилсангиз, адашмайсиз.

С. МАҲКАМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш олийгоҳининг етакчи мутахассиси.

Меросимизни ўрганамиз

МАНШАИ

фикрларини юргиза олмайдилар. Расм, ҳайкалчилик ҳам меъморлиқнинг маншаиларини динга бойлаш йўли билан қаноатланиб, адабиёт билан мусиқийнинг бош илдизлари бўлғон рақснинг инсонларда диний туйғуларнинг пайдо бўлишларидан бурунроқ борлиғини эътироф қиладилар. Бир қисмлари эса рақс, мусиқий ҳам шеърнинг-да диний туйғулардан чиқиб, узун вақтлар дин билан бирга, яшағонларини даъво қилиб турадилар.[1]

Буларнинг бу тўғридаги узун-узун гапларининг қисқаси энг эски мусиқий, рақс, шеър намуналарининг дин қўлида, дин ҳукмида, дин билан бирга яшағонларидир. Улар айталарким: «динлар, ҳаётнинг турли қийинлиқлари, турмушнинг турли оғирликлари остида ёзилиб, чарчаб буғула ёзғон инсонларни бир оз тиндирмак, дам олдирмоқ ва ўз нафасини ростлаларига олғонлар томонидан бунинг учун турли-турли диний байрамлар тартиб этилган. Бу диний байрамларга ўйиннинг, мусиқийнинг, шеърнинг иштироки табиийдир. Бурунги инсонлар орасида «рақс» шаклида ибодат борлиғи аниқ, бурунги жамиятларда ибодатларнинг мусиқий билан ижро этилгани маълум энг эски шоирлар, жамиятнинг дин бошлиқлари, табиблари, мусиқийшуносларидир, меъморлари ҳам бўлғонлар. Гўё мана шуларнинг ҳаммаси ғўзал санъатларнинг диний бир маншаидан чиқиб тараққий илғонини кўрсатар эмиш.[1]

Юқоридаги муҳокамаларнинг асосан динга тарафдорлик таъсири остида юритилгани озгина бир диққат билан англашилади. Тўзук, рақс, мусиқий, адабиётнинг бир муддат дин билан биргаликда ҳаракат қилғонликларини кўрсатарлик тарихий санъат ҳужжатлар бор, ҳамда кўбдир. Бироқ бу санъатлар одамларнинг маданият йўлида анча илгари босқон . замонларининг меросидир. Ҳолбуки, санъатларнинг жудаям бурунғи даврларда борлиғи исбот этилгандир. Олим дунёси шуни тасдиқ қиладики, табиий туйғуларнинг энг биринчи кўриниши рақсдир. Рақснинг энг бошланғич шаклини ваҳший инсонлар орасида эмас, ҳайвонлар орасида ҳам кўрмак мумкиндир. Итларнинг, мушукларнинг, кўклам чоғларида далаға чиқғон ҳайвон суратларининг шодлиғидан сакраб ўйнашлари маълумдир. Диний туйғулардан ҳали жудаям йироқда яшағон кичкина болаларнинг катта бир шодлиқ чоғинда сакраб, қўл уруб ўйнағонларини ҳар шиб овға чиқар, овларини биргалашиб ташир, йиртғич ҳайвонларнинг ҳужумларини биргалашиб дафъ қилар эдилар. Мана шундай катта бир иш чоғида, оғир бир нарсани кўтарганда оҳ, ҳайт, ҳуйт каби турли товушлар билан қичқирғонлар. (Бу кун ҳам ишчиларнинг оғир бир иш чоғинда, ҳалиги ишнинг оғирлигини сездирмаслик учун оҳ, уф, ҳайт, ҳуйт деб ишлаганлари маълумдир). Катта оғир бир ишни бажариб бўлғондан кейин шодликдан сакраб ўйнағонлар, бу сакраб ўйнашларнинг орасида бир оҳанг, бир тартиб билан бўлғонлари ўзларига ёқиб қолғон сакраб ўйнашларнинг ҳар вақт шундай тартиблироқ, оҳангликроқ чиқишини хоҳлағонлар, ҳам шундай бўлушиға тиришганлар. Мана шундай қилиб ўзларининг сакраб ўйнашларини рақс шаклига яқинлаштирғонлар. Хоҳ рақс, чоғинда, хоҳ иш чоғинда оҳ-уҳ, ҳайт, ҳуйт товушларининг ибтидоий бир оҳанг билан — ритма билан чиқиши маълумдир. Рақс замонида ёлғиз ҳалиги товушлар эмас, нафас олиш ҳам рақс ҳаракатларининг ритмасига тобъе бўлиб қоладилар. Мана бу ритмали товушлар мусиқийнинг бош илдизидан иборатдир. Қуролли мусиқийнинг пайдо бўлуши қуролсиз мусиқийнинг пайдо бўлишидан анча кейиндир.[2] Юқорида айтилган «бурунғи тош» давридан қолган асарлар қаторида суяклардан, шохдан ясалғон, пардасиз, тутуклар (дудок) найларга ҳам учралади бир кўп олимлар буларнинг мусиқий қуроли эмас, ов чоғларида «камонда» бермак учун лозим нарсалар эканига ишонадилар. Бироқ буларнинг мусиқий қуроллари эканларини ҳам қатъий суръатда рад этиш мумкин эмасдир. Бурунғи тош даврида қуролли мусиқийнинг борлиғи маълум бўлғач унинг отаси бўлғон товушларда, диний туйғуларнинг йўқлиқ чоғларида бўлғани ўз-ўзидан онглашилиб қолади. Биринчи одамларда бу кунги маъно билан «тил» (сўзлаш) ҳам бўлмағон. Юқорида кўрганимиз каби оҳ-уҳ, ҳайт, ҳуйт каби иш чоғида чиқарилғон товушлар билангина ўзларининг баъзи руҳий ҳолларини ифода қила олғонлар. Сўнгра ўз тегларида юрғон ов ҳайвонларидан ёки турли йиртқич жонворлардан бир-бирларига хабар бермак учун бу товушлар бошда нимани, қайси ишнинг рамзи бўлғон эсалар бора-бора, такрор айтила-айтила шул нарсанинг мана шу ишнинг исми бўладилар.

Мана шундай бўлуб одамларда энг биринчи сўзлар— иш, меҳнат, ўзини сақлаш натижасида майдонга келган. Бошда бу тилнинг сўзлари жуда оз бўлғон. Лекин бора-бора иқтисодий ҳаётнинг ўсуши билан бирга тил-да ўсган, сўзлар кўпайган. Иштиқоқ йўллари кенгайган. Юқорида кўрганимиз иш ҳам рақс чоғларидаги оз-кўб оҳангли товушлар, сайҳалар, қичқиришлар ўрнида қисқа-қисқа жумлалар, бу кунги истилоҳ билан айтганда қисқа-қисқа халқ ашулалари майдонга келган. Бу замонларда бирликда ишлаб, бирликда ўйнағон кишиларнинг бу ашулалари ҳам бирликда айтилган «хур» (хор) шаклида ўқулғон бўлса керак.

Эмди келайлик меъморлиқ санъатига. Меъморлиқ санъатининг бош илдизи «уй ясаш»дадир. Бурунғи инсонларда уй ясаш ҳаракати диний туйғулар билан эмас, улардан жудаям бурунроқ замонларда табиат билан кураш, ўзини сақлаш натижасида туғилғондир. Ўзларини ҳам бола-чақаларини ёмон ҳаволардан, турли ёвлардан сақламоқ учун уй ясаш ҳаракати жонворларда, қушларда, қуртқумрсқаларда ҳам бордир. Ҳали ҳайвонлиқ даврасидан қутулуб чиқмағон инсонларда ҳам бу ҳаракатнинг борлиғи шубҳасиздир. Энг биринчи инсон жамиятларининг уйлари тоғлардаги «табиий мағора»лар, катта ёғочларнинг ғавдаларидаги катта ёриқлар, катта ёғочларнинг катта бутоқларидан иборат бўлғон. Бир уйда яшағон инсонларнинг болачақалари онда сиғмайлар, иккига ажралиб бир қисмлари ўзлари учун уй ахтаралар. Мана шундай бўлуб уй ахтариш, уй танлаш ҳаракатлари бурунғи инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бора-бора ўзларини сақламоқ учун уйларининг етарлик бўлмағонини кўрадилар ер ости уйлар қазишга киришалар. Бу ер ости уйларнинг киришларида ер тағучи (ер ости) ҳайвонларни одатлаштирмоқ учун турли айланмалар ясайлар. Тутун чиқиш учун уст (тепа) томонидан эшик қўядилар. Одамлар бу бошланғич уйларни севадилар, уларни безатмакчи бўладилар. Турли ҳайвон расмлари, ҳайвон ҳайкаллари билан безатканлар. Бурунғи меъморлиқ, расм ҳам ҳайкалчиликнинг бу кунги олим дунёсига маълум бўлғон намуналари, «бурунғи тош» даврига яъни, инсонларнинг диний туйғулардан узоқ яшағон замонларига оид экани сабабдир. Шунинг учун буларнинг туғулишларини динга — маънавиятга эмас, моддий ҳаётга боғлаш мувофиқдир.

«Маориф ва ўқитувчи» журнали № 5 (сон). 37—40 бетлар, 1927 йил.

1. Турк адабиёти тарихининг машҳур олими профессор Кўприлизода ҳам «Турк адабиётининг маншаи» деган мақоласида «Дурқойм» ва «Дебу» каби олимларга суяниб шу деъвони мувофиқ қилади, Миллий татаббуълар мажмуаси, 2-жилд, 4-сон — Фитрат.

2 Бу ерда домла Фитрат мусиқа асбобини назарда тутган бўлса керак.

Нашрга К. ТУРСУНБОЕВ тайёрлаган.

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАНИДА

● **ШВЕЙЦАРИЯНИНГ курорт шаҳри Давосда жаҳон иқтисодий анжумани очилди. Расмий хабарларга қараганда, у шу ҳафтанинг пайшанба куни тугалланиши лозим. Анжуман асосан иқтисодий муаммоларга бағишланса керак, унда энг долзарб масалалар муҳокама этилиши мумкин, деб кутилмоқда эди. Бироқ, оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг гапларига қараганда, асосий воқеалар дастлабки кунлардаёқ бўлиб ўтди. Собиқ Совет Иттифоқи жумҳуриятлари Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Ўзбекистон ҳамда Украина вакилларининг нутқлари ҳам умид, ҳам ташвиш уйғотди.**

Якшанба бўлишига қарамасдан, қўшма мажлислар зали одамлар билан тўлиб-тошди. Кун тартибига биноан унда АҚШнинг собиқ давлат котиби Генри Киссинжер раислик қилди. Биринчи бўлиб сўзга чиққан Арманистон президенти Левон Тер-Петросян ажратилган олти дақиқа ўрнига ўз сўзларини уч дақиқадаёқ тугаллади. У Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги иқтисодий аҳвол, узилиб бораётган алоқаларнинг салбий оқибатлари тўғрисида ташвишланиб гапирди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда Беларусь Олий Кенгаши Раиси Станислав Шушкевичлар эса МДҲ таркибига кирган жумҳуриятлар аввалги тарихий алоқаларни ҳамда муносабатларни лозим даражада сақлаб қола олсалар ижобий натижаларга эришиш мумкин, деган фикр билдирдилар. Озарбайжон, Молдова ҳамда Ўзбекистон президентлари эса ўз мамлакатларининг иқтисодий имкониятлари келажакда хорижий инвестицияларга учун қулай имкониятлар яратиш мумкинлиги тўғрисида тўхталдилар.

Давосдаги анжуман иқтисодиётни барқарорлаштириш учун келажакда истиқболли йўллар очиши мумкинми, деган савол ҳамон муаллақ бўлиб турибди.

ҚОРА ДЕНГИЗ МИНТАҚАСИ ВА ИСТИҚБОЛ

● **ЎТГАН душанба куни Туркиянинг Истамбул шаҳрида Қора денгиз минтақасида жойлашган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигига бағишланган кенгаш очилди. Туркия унда иштирок этиш учун Болгария, Руминия, Россия, Украина, Молдова, Грузия, Озарбайжон ҳамда Арманистон ташқи ишлар вазирларини таклиф қилди. Мазкур йиғинда Қора денгиз доирасида иқтисодий ҳамкорлик минтақасини вужудга келтириш лойиҳаси муҳокама этилди.**

Шуни айтиш керакки, Қора денгиз атрофида «умумий бозор» маконини вужудга келтириш ғояси янги эмас. Уч йил муқаддам бу ғояни Туркия президенти Турғут Ўзол олға сурган эди. Лекин Орўпо ҳамда собиқ СССРда бўлиб ўтган нураш жараёнлари Анқара режасини номаълум муддатга орқага суриб қўйди.

Ҳозирга келиб Туркия томони ўша аввалги лойиҳани «тирилтириш» учун катта саъи-ҳаракат бошлаб юборди. Иш бошлаган кенгашдаги шарҳчиларнинг таъкидлашича қараганда, яқин келажакда ўша лойиҳа ишга тушиши мумкин. Ягона иқтисодий макон вужудга келтириш фикрини Россия ҳам қўллаб-қўлтиқлади. Юқорида тилга олинган давлатлар ҳам бу масала юзасидан ижобий фикр билдирмоқдалар.

ИРОҚДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

● **«ИЗВЕСТИЯ» рўзномасининг Дамашқдаги мухбири хабар беради: Бағдоддан бу ерга келаётган ахборотларга қараганда, Саддам Ҳусайн мамлакат ичкарисидаги оппозициячи кучларни батамом тор-мор этиш ниятида, уларга қақшаттич зарба бериш учун катта тайёргарлик ишларини амалга оширмоқда. Мамлакат жанубида жуда кўплаб ҳарбий қисмлар ҳамда қуроллароғлар тўпланмоқда. Қўшинлар, танклар, тўплар «яхшиликка кўнмаётган» шиа мазҳабига мансуб гуруҳларнинг таъзирини бериб қўймоқчи. Бу қисмларга раҳбарлик қилиш учун С. Ҳусайн ўз биродари Ватбан ал-Иброҳимни юборди. У илгари разведка раҳбари лавозимини эгаллаб турган эди. В. Ал-Иброҳим ўзига қарашли нишончли доираларда жанубдаги шиалар исёнини қонга ботираман, деб таҳдид қилди.**

Шу орада Ироқнинг Эрон билан чегарадош ҳудудларида Саддам Ҳусайнга қарши ҳарбий қисмлар вужудга келтирилаётганлиги тўғрисидаги хабарлар ҳам тарқатилди. Айтишларича, бу ҳарбий қисмларнинг асосини 1980—1988 йиллар мобайнида бўлиб ўтган Эрон — Ироқ уруши пайтида Эрон томонига асир тушган аскарлар ва зобитлар ташкил этмоқда. Тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, бу қўшинларнинг умумий сони бир неча ўн минг кишидан ошиб кетади. Ҳатто, унинг бош қўмондони номи ҳам тилга олинди. Ироқ армиясининг собиқ полковники, 1982 йилдан буён асирликда бўлган, Бағдод тузумига бутун вужуди билан қарши турган Низор Абдал Сошиб мазкур қўшинларга қўмондонлик қилмоқда.

МАХФИЙ ҲУЖЖАТЛАР СИРИ

● **АРГЕНТИНА маъмурлари иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу мамлакатга келиб жон сақлаган нацист жиноятчиларга таалуқли махфий ҳужжатларни ошкор этишга қарор қилди. Маҳаллий матбуотнинг қайд қилишича, башарти, шундай қилинсагидек бўлса, собиқ гитлерчи олий мартабали фашистлар, шу жумладан, «ажал фариштаси» деб ном олган Иозеф Менгеле ҳамда «учинчи рейх»нинг партиявий раҳнамоси Мартин Борман ҳаётларига доир кўп нарсалар ҳам аниқ бўлиши мумкин.**

Махфий маълумотлар, деб хабар беради Рейтер ахборот агентлиги, Аргентина президенти Карлос Менем тегишли фармонга имзо чеккандан сўнг ошкор этилади.

ШОВ-ШУВГА САБАБ БЎЛГАН МАКТУБ

● **ЎТГАН якшанба куни Италияда чиқадиган «Жорно» рўзномаси собиқ Италия Коммунистик партиясининг раҳнамоси, И. В. Сталининг энг яқин дўсти Пальмиро Тольяттининг собиқ СССР Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси ҳужжатхонасида сақланаётган бир мактубини эълон қилди. Мазкур мактуб остидаги қайдга қараганда у 1943 йилнинг 15 февралида ёзилган.**

Мактуб Коминтернинг аъзоларидан бири бўлган италиялик Винченцо Бьянко номига ёзилган. Кўринишдан бу мактуб бир муддат аввал Италияда Муссолининнинг фашистик тузуми ўрнатилганидан сўнг Москвага келиб бошпана топган П. Тольяттига В. Бьянко томонидан ёзилган хатга жавобдир. Унда гап гитлерчилар сафида туриб, СССРга қарши жанг қилган Италия жангчилари ҳусусида боради. Жанглар пайтида жуда кўплаб Италия ҳарбийлари асирга тушиб қолганлар. В. Бьянко П. Тольяттидан улар мушкулини осонлаштиришни илтимос қилади. Бироқ П. Тольятти жавоб хатида шундай деб ёзади: «Мен ҳам сиз ёҳуд Қизил ярим ой жамиятидаги хоним каби инсонпарварман. Лекин, бизнинг нуқтаи назаримиз Совет Иттифоқига бостириб кирган босқинчиларга нисбатан белгиланган Сталин ёндошувларидан келиб чиқади. Мен бу ҳусусда сизга бошқа ҳеч нарса дея олмайман».

Мазкур мактуб «Жорно» рўзномасида чоп этилганидан сўнг катта шов-шувга сабаб бўлди. Кўпчилик П. Тольяттининг бу мактуби парламент сайловлари арафасида Италиядаги демократик сўл кучлар нуфузига катта зарар етказади, деган фикрни билдирмоқдалар.

• *Ривоят*

ШОҲ ҚАДРИГА ЕТМАГАН АСАР

РИВОЯТ қилишларича, буюк форс — тожик шоири Абдулқосим Фирдавсий Султон Маҳмуд Ғазнавий назари-эътиборида машҳур асари «Шоҳнома»ни ёзиб тугатади. Сўнгра шоҳ ҳузурига йўл олади.

Шоир аввалги берилган кўрсатмага биноан достонинг ҳар мисрасига бир олтин динор олиш умидида бўлибди. Ичи қоралар унга ҳасад қилиб, «Бу шоирнинг нима ортиқлиги бор? Катта инъом унинг димоғини кўтариб юборади», дебдилар ва унга олтмиш минг кумуш дирҳам тайин қилибдилар.

Фирдавсий бундан жуда ранжибди. Айтишларига қараганда, унга дирҳамларни олиб келишган пайтда шоир ҳаммомда экан. Ҳаммомдан чиққач, 20 минг дирҳамни ҳаммомчига, 20 минг дирҳамни фаққо ичгани учун фаққочига, қолганини инъомни олиб келган мулозимларга тақсимлаб берибди. Сўнгра у қирқ байтли шеър ёзиб Султонни ҳажв қилибди.

Ушбу ривоятни тарихий далиллар асосида текшириб кўриш мукинми? Ана шу ўринда бизга археолог олимларнинг топилмалари ёрдам беради. Зеро, мутахассисларнинг таъкидлашларича, Маҳмуд Ғазнавий даврида зарб этилган кумуш тангалар софлиги 70 дан 95 фоизга қадар борар экан. Демак, «Шоҳнома» муаллифига тақдим этилган тангалар деярли соф кумуш бўлиб чиқади.

Фирдавсий «Шоҳнома» асарини бир неча кунгача Султон ҳузурида ўқийди.

— «Шоҳнома»да Рустамдан бошқаси ҳеч нарсага арзимайди,— дейди Султон,— аммо менинг лашкаримда Рустамдақалардан мингминглаб бор...

— Шоҳнинг умрлари узоқ бўлсин,— деб жавоб беради Фирдавсий.— Олий жанобларнинг лашкарларида қанча рустамнамолар борлигидан хабарим йўқ, аммо мен шуни биламанки, худойи таоло бошқа бирорта ҳам Рустамдақа одам яратмаган.

Шоир бу сўзларни айтиб, Султон оёқлари орасидаги ерни ўпиб чиқиб кетади. Султон эса вазирини чақириб дейди:

— Мана бу одобсиз мени ёлғончи қилди.

— Уни қатл этиш керак, шоҳим,— дейди вазир.

Аммо Фирдавсийни топишаолмайди. У ўзининг кўп йиллик меҳнатига ҳеч қандай ҳақ олмай, шаҳардан чиқиб кетган экан.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон прокурорининг буйруғи билан биринчи классли ҳуқуқшунос Равшан Маҳсумович Хўжаев Юқори Чирчиқ район прокурори этиб тайинланди.

Р. М. Хўжаев 1954 йилда туғилган, ўзбек, олий ҳуқуқий маълумотли, прокуратура органларида 1977 йилдан бери ишлайди. У Янгиобод шаҳар прокуратурасида стажер, терговчи, прокурор, вилоят прокуратураси тергов қисми бошлиғининг ўринбосари, Оҳангаронда районларарО прокурор вазифаларида хизмат қилган.

• ЭЪЛОН •

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Давлат кооператив агросаноат қурилиш бирлашмасининг 1-қишлоқ уй-жой қурилиш комбинати қуйидаги қурилишларни:

95, 140, 280 ўринли болалар боғчаси, 12 ва 16 хонадонли уй-жойларни, коттежларни, 100 квадрат метр саҳнли савдо залига эга бўлган дўконларни, маиший хизмат кўрсатиш комбинатларини, фельдшер-акушерлик, қишлоқ врачлик амбулаториялари бинолари ҳамда бошқа хил қурилишларни охиригача (калитигача) тўлиқ бажариб беришни кафолатлайди.

Баҳоси ўзаро келишилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 702335, Бектемир райони, Бинокор кўргони. Телефонлар: 58-71-91, 58-80-86, 58-75-65, 57-20-10.

• *Китоблар оламида*

ЗУЛМАТДАН СЎНГГИ ЗИЁ

МАЪЛУМКИ, чўлпон юлдузи эрта тонгда — зулмат чекиниб, борлиқ ёриша бошлаган пайтда юз кўрсатади. У нурафшон куннинг яқинлигидан дарак бериб тонгни етаклаб келади. Ўзининг қисқа сайри давомида табиатга нур ва гўзаллик бағишлайди...

Ҳассос қалб соҳиби Чўлпон ҳам ўзбек шеърияти осмонида тонг юлдузи янглиғ бўй кўрсатиб, адабиётимизни нурга буркади. Шоир ўзининг қисқа умрида яратган сермазмун асарлари билан узоқ йиллар давомида қуллик исканжасида мудраб ётган халқимиз онгини ёритмоққа, қалбига озодлик шабадаларини олиб кирмоққа интилди. Афсуски, қатағон йилларнинг бўрони уни адабиётимиз осмонидан шафқатсизларча юлиб олди. Чўлпоннинг биринчи навбатда халқ онгини уйғотишга эътиборини қаратганлиги бежиз эмас эди. Чунки ақлзаковати мудраган халқ ҳақни ноҳақдан, яхшини ёмондан, дўстни душмандан фарқлай олмайди. Онги мудраган халқ ўз ўтмиши билан қизиқмайди, келажаги учун курашмайди. Бундай халқ ўткинчи ҳою ҳавасларга, бугунги кун билангина яшайди. Онги мудраган миллат аждодларига қирон келтирган, бойликлари ва ёдгорликларини ўз юртига ташиб кетган босқинчиларга осмонўпар ҳайкаллар ўрнатади, кўча ва шаҳарларни уларнинг номлари билан атайди. Онги мудраган миллат норасида маъсумларнинг қатлига фатво берган шахсни эъзозлайди, ҳайкалига гулчамбарлар қўяди...

Адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, Беруний номидаги жумҳурият давлат мукофотининг совриндори Наим Каримовнинг 1991 йилда «ФАН» нашриёти томонидан чоп этилган «ЧЎЛПОН» китобини ўқиб, хаёлимда ана шу мушоҳадалар жонланди. Рисолада беқиёс ижодкор, адабиётимизнинг ёрқин сиймосининг фаолияти шу пайтгача номаълум бўлган қимматли маълумотлар, архив ҳужжатлари асосида ёритилади. Маълумки, ўша даврнинг ёвуз давлат машинаси нафақат Чўлпоннинг ўзини, балки унинг номини ҳам йиллар қаъридан бутунлай йўқотиб ташлашга интилди. Бу қабиҳ ниятни амалга оширишда мансаб ва шуҳрат ортидан қувган баъзи таъмагир «олим»ларимиз, «ижодкор»ларимиз ҳам яқиндан ёрдам берганликлари ноёб фактлар асосида кўрсатиб ўтилган. Рисоланинг қиммати шундаки, муаллиф Чўлпоннинг замондошлари, синглиси Фоиқа ая хотираларидаги унутилаёзган воқеаларни қайта жонлантиргани ҳолда шоир оилавий ҳаёти, шахсиятига доир муҳим маълумотлар билан бизни ошно қилади. Натижада, Чўлпоннинг ёрқин сиймоси, асарлари жозибаси нозик таҳлиллар орқали бўй кўрсатади. Чўлпоннинг жаллод кундасига тортилишига сабабчи бўлган ёки ёрдам берган кимсалар, 30-йилларнинг адабий муҳити, тарихий шароити ҳақидаги маълумотлар ҳам қимматлики, улар бугунги кунда ўрганилиши зарур. Рисолани ўқиш жараёнида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир фожиаси нафақат уларнинг, балки миллатимиз, адабиётимиз фожиаси эканини ҳис этамиз. Бу ёрқин сиймолар йўқотиб юборилмаганликларида халқимиз онги ва маданиятимиз савияси балки юз йиллаб илгарилаб кетган бўлармиди?.. Шу боисдан бу фожиа бугунги кунда бизни сергакликка ундамоғи зарур. Чунки юз ўттиз йил давомида қулликда яшаганимизнинг асосий сабаби гумроҳлигимизда, бирлашмаганимизда ва шахсий манфаатларни халқ манфаатларидан устун қўйганимизда эмасми?.. Н. Каримов китобининг асосий ғояси, эстетик ва тарбиявий аҳамиятини ҳам шу фикрлар ташкил этади.

Рисолада Чўлпон шеърлари, ҳикоялари, драмалари юксак илмий мушоҳадалар асосида нозик кечинмаларга бой жозибали мисраларда таҳлил этилади. Шоир ижодининг камалакдек рангин тароватидан, шеърларининг шаффоф туйғуларидан, ҳикояларидаги нозик ифодалардан, драмаларидаги салмоқдор маънодан баҳраманд бўламиз. Муаллиф таъкидлаганидек: «Бизнинг адабиётимиз яқин-яқингача бугунги ҳаётни эмас, балки унинг ўрнида барпо этилажак эртанги ҳаётни акс эттириб келди. Бу йўл билан у китобхонни янги ишларга илҳомлантиргандек бўлди. Аслида эса у китобхонни алдади. Чўлпон бугунги жароҳатларни яшириш эмас, даволаш лозим деган ақидага амал қилди». Бу ақида мафкурага, халқни мутеликда сақлашга асосланган жамият қоидаларига мос эмас эди. Чўлпонни қатлга етаклаган сабаблардан яна бири китобда қуйидагича изоҳланади: «Халқ — у ўзбек бўладими, ўрис бўладими, араб бўладими — эркин яшаши, ўз боғларининг мевасидан ўзи баҳраманд бўлиши, ўз меҳнатининг роҳатини ўзи туйиши лозим. Акс ҳолда у халқ эмас, бир тўда эрксиз, фақат меҳнат қилиш ҳуқуқи бўлган кишилардан иборат бўлади. **Чўлпон ўз ижоди билан юртдошларининг халқ сифатида шаклланиши учун курашди. Унинг улуғлиги ва фожиасининг илдизлари худди шундадир».** Дарҳақиқат, Чўлпон жасорати ва шоир даҳосининг нақадар юксаклигини китобдан ўрин олган қуйидаги шеърдан ҳам кўрамиз:

Сенинг қаттиқ сир—
бағрингни кўп йиллардир
эзганлар,
Сен безсанг-да, қарғасанг-да кўкрагингда кезганлар.
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар
Нега сени бир қул каби қизғанмасдан янчалар?
Нега сенинг қалин товшинг «кет» демайди уларга?
Нега сенинг эркли товшинг эрк бермайди қўлларга?
Нега тағин таниларингда қамчиларинг кулиши?
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?

«Чўлпон» китобидан ҳозирда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган, бадиий жиҳатдан баркамол бўлган ана шундай шеърлар ўрин олганки, бу серқирра истеъдод соҳиби бўлган ижодкорнинг услуби ва маҳоратини, ижодий меросини чуқур илмий ёндошув асосида таҳлил ва талқин этилишига ёрдам берган. Айниқса, турли адабиётшуносларнинг Чўлпон шахси ва ижоди ҳақидаги фикрларининг ўрин олганлиги китоб аҳамиятини янада оширган. Муаллифнинг ижодий фантазияси туфайли тарих зулмати ортида хира тортган воқеалар ҳам қайта жонланиб, кўз олдимизда гавдаланади. Рисолада Фитрат ва Чўлпоннинг қатл этилиши воқеалари бор даҳшати билан қуйидагича акс этади: «Маҳбуслар машинадан тушганларида уларга аталган қабр қазиб қўйилган эди. Фитрат домла ҳўнграб юборди. Чўлпон уни овутмоқчи бўлди-ю, ўзининг ҳам кўзларидан шашқатор ёшлар оқиб, тили калимага келмади. Маҳбуслар бир-бирлари билан қучоқлашиб хайрлашмоқчи бўлишди. Аммо ўрисми, татарми, бир аскар вақт зиқ эканлигини, барибир улар нариги дунёда кўришажакларини айтиб, уларнинг видолашувларига ижозат бермади.

Чўлпон ўлим ҳақида, адолатсизлик ҳақида ўйламаслик учун бошини тик қилиб осмонга қаради. Кўкда қопқора кечадаги юлдузлар орасида таниш тонг юлдузи чақнаб турар эди.

Шу пайт ўқ овозлари тун бағрини ҳали тилиб улгургани ҳам йўқ эди, Чўлпон йиқилди.

Бу воқеа 1938 йилнинг 4 октябрида рўй берди.

Жаллодлар ўлик маҳбусларни бир қабрга наридан бери ташлаб улар устига оҳак тўкиб сўнг тупроқ ташлашди...» Чўлпон ана шундай маҳв этилди. Аммо унинг ижоди рисолада айтилганидек, адабиётимиз осмонида ҳамон тонг юлдузи каби ёрқин нурларини сочмоқда. Руҳи эса орамизда юрибди.

Рисола билан танишар эканмиз, Чўлпоннинг порлоқ сиймосини кўраётгандек, у билан ҳаёлан суҳбатлашаётгандек бўламиз. Улуғ сўз санъаткори ижодхонаси тилсимлари ва жозибаси билан қалб мулкимизни бойитгани учун муаллифга кўнглимиздан очилган мусаффо кечинмалар ва некбин туйғулар гулдастасини ҳадя этгимиз келади.

Акбарали САБИРДИНОВ,
Фарғона давлат дорилфунуни ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси.

• *Яқин ўтмиш тарихимиз*

НОДИРХЎЖА ОТА АРМОНЛАРИ

... Яқинда муҳарририятимизга ўрта бўйли, кийимлари ўзига ярашиб турган бир онахон кириб келди. Қўлида сумка. Ўзи ниҳоятда ҳаяжонда.

— Мен Бўка ноҳия «Коммунизм» колхозидан Осиё Саймоқоваман, — дедилар онахон ўзларини таништирар эканлар. — Лекин асли оққўрғонликман, Жиғалбойлида туғилиб ўсганман. Отам муаллим эдилар, — дея кўзларида ёш билан «Гулистон» ойномасини узатдилар. Унда таниқли журналист Шомурод Сиддиқовнинг «Унга Ленин ишонган эди» мақоласи эълон қилинган бўлиб, мақоланинг баъзи сатрлари тагига қора чизиқ тортилган эди.

— Ўша жойларини ўқинг, — дедилар онахон.

Бу сатрларда ноҳиямиз фахри бўлган ажойиб инсон Султон Сегизбоевнинг илк муаллими Нодирхўжа Эшонхўжаев бўлганлиги, у киши Жиғалбойли қишлоғида муаллимлик қилганликлари ҳақида сўз юритиларди.

— Отам ўз замонасининг илғор кишиларидан эдилар, — деди онахон. — У киши жуда кўп одамларни саводли қилганлар. Отамнинг барча ўғиллари вафот этиб, биз уч қиз қолганмиз. Отам тирикликларида ўғилларим бўлганида ишларим юзага чиқарди деб ўкинганликлари ёдимда. Шу армон менга тинчлик бермаяпти. Сизлардан илтимос, отам ҳақида рўзномангизда ёзсаларинг. Отамнинг руҳи шод бўларди.

— Отангиз ҳақида бирор маълумот, ҳужжатлар борми? — сўрадим Осиё опадан.

— Афсуски, ҳеч қандай ҳужжат сақланмаган. Лекин Вотинцев номли жамоа хўжалигида отам ўқитган ўқувчилари истиқомат қилишади. Улар билан суҳбатлашинг.

Вотинцев номли жамоа хўжалигидамиз. Отахоннинг собиқ ўқувчиларидан бири — Ортиқ ота хонадонига кириб бордик. Отанинг ўқувчиси Ортиқ ота Алимов 87 ёшга кирибдилар. Қаричилик, қулоқлари ҳам эшитмас экан.

— Ортиқ ота, — дедим мен, — Осиё опа отамнинг ўқувчилари истиқомат қилишади, Вотинцев номли жамоа хўжалигидамиз, — дедим. Ортиқ ота ўрнидан турдилар, ҳассаларини ушлаб, ҳовлига чиқдилар. Ҳовлини ҳайдаб ўтдик. Ортиқ ота ҳовлини ҳайдаб ўтдилар. Ортиқ ота ҳовлини ҳайдаб ўтдилар. Ортиқ ота ҳовлини ҳайдаб ўтдилар